

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



П О С Т И Н Г

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 52 – 54 (3282–3284)

1999 йил 7 май, жума

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

9-майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида

9-майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

д) амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;

е) бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин, ушбу Фармоннинг 10-моддасида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан мустасно.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан ушбу Фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар то-

монидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмай қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга — ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмга.

10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 244-1 моддаларида, 246 моддаси 2-қисмида, 247 моддаси 2, 3 қисмларида, 248 моддаси 2, 3 қисмларида, 270 моддаси 3-қисмида, 271 моддаси 3-қисмида, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавfli рецидивист деб топилганларга, шунингдек, уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган шахсларга Фармоннинг 1-3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми "а,в" бандлари билан судланганлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 272, 273 моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек, биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244-1 моддаларида, 247 моддаси 2, 3-қисмларида, 248 моддаси 2, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-моддаси қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу Фармон татбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 30 апрель.

Бош муҳаррир минбари

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ УЙҒОТУВЧИ БАРҚАРОРЛИК

Яқинда хорижлик, меҳмон билан суҳбатлашиб қолдим. У мамлакатимиздаги вазиятга баҳо бериб, шундай деди: "Ўзбекистон ҳақида гап борганда, кўз олдимга тинчлик, осойишталик, сиёсий барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётган ҳудуд келади. Бу гапни собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ҳамма мамлакатга нисбатан айтиб бўлмайди". Унинг сўзларига қўшилиш мумкин.

Шуни айтиш лозимки, ҳатто шу йил 16 февраль куни равнақ топаётган ёш давлатимиз тарихида рўй берган фожиа ҳам халқимиз руҳини туширмади, одатдаги ҳаёт тарзига заррача таъсир кўрсата олмади.

Бироқ шунга қарамай ҳар биримиз ҳушёр бўлишимиз муҳимлигича қолмоқда. Юртбошимиз ҳам бунга барчамизнинг эътиборимизни жалб қилдилар.

Президентимиз Ислам Қаримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида рўй берган воқеани таҳлил қилар эканлар қуйидагиларни алоҳида таъкидладилар: "Биз ўзимизнинг ачиқ тажрибамизда Ўзбекистон мустақиллигига ҳақиқий хавф-хатарлар борлигига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз. Бундай кирдикорлардан мақсад – мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринишдир. Бошқача айтганда, бундан мақсад халқимизнинг фаровон ҳаёт қуришга бўлган интилишини, изчил ривожланишимиз ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидаги эзгу ниятларимиз пойдеворини барбод этишдан иборатдир".

Аянчи воқеага юртдошларимиз қандай муносабат билдиришгани барчамизга аён. Ёшидан, миллатидан, динидан қатъи назар, мамлакатимизда истиқомат қиладиган оддий одамларнинг бу воқеаларга муносабати кейинги йилларда халқимизнинг ўзлигини англаши, мустақил, эркин давлат, демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродаси нечоғли кучли эканини яна бир қарра тасдиқламоқда.

Тарих гилдирагини орқага қайтармоқчи бўлган ёвуз кучларга жавобан шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда буюк келажак сари ҳақ йўлдан бориб, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилган ҳолда ислохотлар ва катта ўзгаришлар қилинаётгани халқаро ҳамжамият, биз билан ҳамкорлик қиладиган хорижий мамлакатлар, компаниялар, фирмалар ва банклар томонидан астойдил қўллаб-қувватланмоқда.

Кейинги вақтда мамлакатимизга қатор давлатларнинг раҳбарлари ва ҳукумат аъзолари расмий ташриф буюришаётгани ҳам ушбу қўллаб-қувватлашнинг мантикий давомидир. Улар мустақил юртимизда халқимиз ҳаёти, илдизи асрларга тақаладиган маданияти билан танишмоқдалар. 16 февраль воқеаларидан кейин Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари ўртасида кўп давлатлараро шартномалар имзолангани республикамиз ташқи сиёсий ҳаёти фаоллашаётгани, шунингдек, биздаги хавф-хатарга қарши мамлакатимиз иқтисодийётига киритилаётган инвестициялар ҳажми янада кўпаяётгани билан жавоб берилаётганини яққол кўрсатмоқда.

Юртбошимиз республика парламентининг XIV сессиясида Ўзбекистонда мустақил ривожланишнинг қисқа даврида эришилган ютуқларни санаб ўтар экан, мамлакатимизда жамоат тартиби ва ҳавфсизликни таъминлашнинг янги асосдаги тизими вужудга келтирилганини таъкидлади. Бу – ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига берилган юқори баҳодир. Шу билан бирга улар олдида одамларни турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлар таъжовуздан янада ҳушёр ҳимоя қилиш вазифасини қўяди.


Ички ишлар идоралари ходимлари қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга амал қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳуқуқий маданияти ва тафаккурини ўстириш орқали фуқароларнинг ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартириш, улар онгида демократия ютуқлари, мамлакат келажигига ишончини янада мустаҳкамлашлари зарур.

Республика раҳбари парламент анжуманида эришилган муҳим ютуқлардан бири умумий уйимиздаги тинчлик, хотиржамлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик эканлигини алоҳида таъкидладилар. Юртбошимизнинг бу сўзлари нечоғли қимматли эканлигига одамлар кундан кунга ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Халқимиз Хотира ва Қадрлаш кунини айнан тинчлик, хотиржамлик ва барқарорлик вазиятида нишонлайди. Шу кутлуғ кунда ҳар биримиз Ўзбекистон мустақиллиги учун жонини қурбон қилган инсонлар руҳини ёдга олганда "Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун яна нималар қилишга улғуролмадим", дея ўзимизга савол беришимиз мақсадга мувофиқдир.

SEN DOIM
QALBIMIZDASAN,
JIGARIM

9 майдан эътиборан ушбу
Хотира майдони юртдошларимизнинг
азиз ва муқаддас қадамжоларидан
бири бўлиб қолади.



БАРҲАЁТ ХОТИРАЛАР

Барҳаёт хотиралар. Бу ибора ҳаётдан бироз четда, қундалиқ ҳақиқатдан, атрофимизни ўраб турган ҳаяжонлардан йироқроқ, қандайдир шоирона туйғу бўлиб туюлади. Атрофга яхшироқ назар ташланг, мунис оналар, муътабар оталар чехрасига, табаррук кексаларимизнинг ажин қоплаган юзларига боқинг, фарзандларимиз билиши, англаб етиши керак бўлган, суратлари сарғайиб кетган оила альбомларини варақлаб кўринг. Улар даврларни боғловчи барҳаёт ришталар, барҳаёт хотиралардир.

Мамлакатимизда илк бор нишонланаётган Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Гофуржон ака РАҲИМОВдан бу қутлуг айём ҳақида ўз фикрларини билдиришни сурадик.

— Шахсан мен ва фахрийлар ташкилотининг барча иштирокчилари Президентимиз И. Каримовнинг 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон этиш ҳақидаги таклифини қалбимизда чуқур тулқинланиш ва шодлик билан қўллаб-қувватладик. Орадан озгина вақт ўтиб чиқарилган Фармоннинг матнида жанггоҳларда жонини фидо қилган, фронт орқасида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган, бутун куч-қувватини Ватанимиз мустақиллиги ва озодлиги учун сарф этганларнинг ҳаммаси эсга олинди, хотирланиши, қадрланиши қайд этилганлигининг ўзи бу қутлуг куннинг улғурлигини англатади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори ички ишлар идоралари ва маҳаллий ҳокимиятлар олдида фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда янги-ча ёндошишни, бу борадаги ишларни бирмунча тақомиллашган ҳолда олиб бориш чораларини кўришдек муҳим вазифаларни юклайди.

Узбекистон халқининг маданияти урф-одатлари ва қадр-қадриятларини тиклашда маҳалланинг роли, аҳамияти беқийс. Шу боис, бугунги кунда элимиз тинчлигини сақлаш, халқимизнинг хотиржам турмуш тарзини таъминлашда ҳам маҳаллага суяниш, ундан мадад олиш жуда муҳим эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Милициянинг халқ билан энг яқин мулоқотда бўлувчи вакиллари — профилактика инспекторлари иш фаолиятини такомиллаштириш, улар назорат қиладиган ҳудудларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида самарали натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида жойларда «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмаларини ташкил этиш қизгин давом этмоқда.

Жиззах вилоятининг Душлик туманида ҳам вилоятда биринчи бўлиб «Маҳалла посбонлари» тузилди. Туман ҳокимлиги ва жойлардаги хужалик ра-

ҳақиқатан ҳам номаълум аскарлар йўқ. Бедарак йўқолган, поёнсиз жанггоҳларда жон фидо қилиб, жисми йўқолиб кетганларнинг номи қариндош-уруғлари, яқинлари, дўстлари хотирасида, қардошлиқ қабрларида ўрнатилган тошларда, архив ҳужжатларида қолган.

Уруш йилларида қарийб 1,5 млн. узбекистонликлар ҳаракатдаги армияларга чақирилди. Урушнинг дастлабки тўрт кунда пойтахт шаҳар ҳарбий комиссариатига 7656 та кунгилли равишда фронтга юбориш учун ариза тушди. Немислар томонидан босиб олинган ҳудудлардан 100га яқин йирик корхоналар Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Уруш йилларида юзлаб янги заводлар ва саноат корхоналари қурилди. Асосий меҳнат аёллар ва усмирлар зиммасига тушди. Ўзбекистон уруш йилларида фронт атрофи ҳудудлардан қарийб ярим миллион эвакуация қилинган кишиларни қабул қилди. Шулардан 200 мингга яқини болалар бўлиб, уларнинг бир қисмини юртдошлар-

римиз ўз бағрига олиб, оиласидаги болалари билан бирга боқиб тарбияладилар.

Тошкентдаги икки йиллик милиция ўрта мактаби уруш бошланиши билан бир йиллик таълимга ўтказилди ва қизлар ҳам қабул қилина бошланди. Тигиз, қисқартирилган дарслар тушгача давом этиб, куннинг қолган қисмида курсант-қизлар госпиталларга бориб, ярадорларга кумак беришди, йигитлар жамоат тартибини сақлаш учун навбатчиликка чиқишарди.

Машъум уруш катта талафотлар келтирди. Кўплаб оилалар жудолик кулфатини бошдан кечирдилар. 480 мингга яқин узбекистонликлар жанггоҳлардан қайтиб келмадилар. Фашизм билан курашларда мардлик ва жасорат кўрсатган минглаб юртдошларимиз орден ва медаллар билан тақдирландилар, Қаҳрамон унвонига сазовор бўлдилар.

Анджонлик Мухиддин Ҳасанов Галаба кунидан жанггоҳларда қон кечди, етти марта яраланиб, яна сафга қайтди. Урушдан кейин кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилди.

Тошкентлик ўқчи Алексей Голубенко Сталинград мудофаасида, Болтиқ бўйини озод этишда қатнашди, Берлинга етиб борди. Бу Қаҳрамон урушдан кейин ҳуқуқшунос маълумотини олиб, рес-

публика ИИВ ва прокуратурасининг раҳбар лавозимларида ишлади.

Висла ва Одер дарёларини кечиб ўтган андижонлик Тожибой Ражабов жанггоҳлардан қайтгач, милиция хизматида кириб, кўп йиллар жиноят-қидирув хизматида фаол ва ҳалол ишлади.

Урушда разведкчиларга раҳбарлик қилган наманганлик Гани Валиев Галабани айнан Берлинда Рейхстаг остонасида кутиб олди. Аскарлик кийимини, милиция кийимига алмаштирган разведкачи Наманган вилоят ИИБда хизмат қилиб, полковник унвонига нафақага чиқди.

Сафдошимиз Шариф ака Ҳасанбоев Галаба парадига қатнашган аскарлардан бири сифатида тарихга ёзилди. Шариф ака урушдан кейин ички ишлар идораларида хизмат қилиб, вазир уринбосари лавозимига ишлади, генерал-майор унвонини олди. Ҳозир жамоатчилик марказининг энг фаолларидан бири.

Фаргоналик Тилла ака Абдуллаев ҳадемай саксон ёшни қаршилайди. Айни йигитлик чоғида фронтларда жанг қилган бу фидойи инсон, кўп йиллар ички ишлар идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари ички ишлар бошқармаларига раҳбарлик қилди.

САДОҚАТЛИ КИШИЛАР

Инсон дунёга келар экан, илк бора ёруғ оламни ҳис этган чоғдан нималаргадир талпиниб яшайди. Унинг интилгани тугал бахтдир. Бахтнинг ўз мезони бор. Энг салмоқлиси эса мазмунли ва ўзгаларга нафи тегадиган умр дур. Ақойиддин Аҳмедов ва Абдувоҳид Обидовлар шундай умр соҳибларидан.

Абдувоҳид Обидов 1925 йил Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топганлар. 1957 йилда Москва шаҳридаги олий ўт учирувчилар техник курсини тамомлаб 1978 йилгача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгиндан сақлаш бошқармасида катта инспектор лавозимида ишлаганлар. 1978 йил истеъфога чиқиб ҳозирда Республика ИИВ ЁСБ илгор тажриба ва билимларни тарғиб қилиш марказида фаолият курсатиб келмоқдалар.

Абдувоҳид аканинг олти нафар фарзанди бор. Фарзандларидан Абдужалол Обидов ота касбини эгаллаб, Тошкент шаҳар 22-ҳарбийлаштирилган ўқ учиривчисида инспектор вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Невараларидан бири Суннатилла ҳам буваси-

нинг бошлиғи лавозимида ишламоқдалар.

Ақойиддин аканинг 2 ўғли ҳам ота касбини танлаган. Абдувоҳид аканинг иккинчи жаҳон урушида курсатган жасоратлари ва меҳнатда эришган ютуқлари муносиб тақдирланган.

Ақойиддин Аҳмедов ИИВ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси собиқ ходими, истеъфодаги ички хизмат полковниги, Республика ЁСБ илгор тажриба ва билимларни тарғиб қилиш маркази бошқарувчиси. Ақойиддин ака илк фаолиятларини 12-ҳарбийлаштирилган ўқ учиривчисида оддий ўт учирувчи бўлиб бошлаганлар. 1945 ва 1947 йилларда эса Тошкент ёнгиндан сақлаш техник мактаби ва Харьков шаҳридаги ёнгиндан сақлаш олий мактабини тамомлаганлар. 1949 йилдан 1951 йилгача Республика ёнгиндан сақлаш бошқармасида инспектор лавозимида ишлаганлар кейинчалик бошқармада бўлим бошлиғи, бошқарма бошлигининг уринбосари лавозимларида хизмат қилганлар. 1970 йили ички хизмат полковниги унвонини берилди.

1981 йилдан ҳозирги вақтгача Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ илгор тажриба ва билимларни тарғиб қилиш маркази-

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини ўзбек халқига хос инсонпарварлик руҳида ўтказиш учун тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам бу кунни ўзига хос тарзда нишонлаш учун тадбирлар тузилди. Тадбирга мувофиқ Ички ишлар вазирлигида хизмат қилиб нафақага чиққан уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорига мукофот пуллари, бундан ташқари вазирлик ҳисобидан қимматбаҳо совғалар тақдим этиш, хизмат вазифасини бажаришда ҳалок бўлганларнинг оиласига ҳам шу тарзда ёрдам бериш ва марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш режалаштирилган. Тадбирни амалга ошириш мақсадида фахрийлар 8 май куни тантанали йиғилишга таклиф қилинди.

Ўз мухбиримиз.

МАҲАЛЛАНИНГ МАҲАЛЛИЙ ПОСБОНЛАРИ

дин Иброҳимов: «Жиноятчиликнинг олдини олиш фақат участка вакилининг иши деб гафлат босиб ўтирсак, бепарво бўлсак, ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Ҳозир хужалигимиздан икки нафар фуқарони расмий равишда профилактика нозирларига ёрдам бериш учун тайинладик. Улар кенг жамоатчилик вакиллари жамоат тартибини сақлашга жалб этишда ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам беришди. Жадвал асосида ҳар кун биттадан транспорт ҳам ажратганмиз. Ахир, шу йул билан ўз ҳушёрлигимизни ўзимиз таъминламасак, ташқаридан биров келиб бизнинг тинчимизни қуриқламайди. Шундай бўлгач, эгри қўли, гайир ниятли кимсалар ҳам «Ке, қуй, бу маҳаллага кирсак, қўлга тушиб қола-

миз», деб чеккалаб ўтадида», — дейди.

Дарҳақиқат, таҳлиллардан маълумки, нопок кимсалар аксарият ҳолларда тунги пайтлари ўзларининг гаразли мақсадларини амалга оширишга уринадилар. Шу боис, туманда ташкил этилган «Маҳалла посбонлари» кечалари саёқ юрган кишиларни ва аҳоли ҳудудига келиб кетайтган транспорт воситаларининг хатти-ҳаракатларини чуқур назорат остига олишиб, бу борада ички ишлар ходимларига яқиндан кумак беришмоқда.

«Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмаларини мукамал тарзда ташкил

этиш мақсадида унга аъзо бўлишга ихтиёрий равишда хайрихоҳлик билдирган кишиларнинг ҳуқуқий онига, қонунни билиш даражасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки, «Маҳалла посбонлари»га бир қатор масъулиятлар юкланиши билан бирга уларга айрим ҳуқуқий ваколатлар ҳам берилганки, бундан айрим кишилар ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳам фойдаланиб қолишлари мумкин. Шу боис, вилоят ички ишлар ходимлари қонунни билмайдиган ёки уни менсимайдиган кишиларнинг бу ишларга аралашиб қолишининг олдини олиш чораларини кўришни назардан қочираётгани йўқ.

ШУҲРАТ РЎЗИЕВ,
ИИВ матбуот маркази катта инспектори.

Феруза САЪДУЛЛАЕВ,
ички хизмат лейтенанти.

Бустонлиқнинг тоза ва беғубор ҳавоси кўйида ўсиб-улғайган марҳум милиция полковниги Муҳаммаджон Маҳкамов ҳаёт бўлганида 52 баҳорни қаршилаган бўларди. Ёшлигидан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган. Шу орзуси йўлида тинмай ўқиб, излаиб, кўзлаган мақсадига эришган бу инсон узоқ йиллар Тошкент вилояти ИИБ ЖҚБ бўлимнинг бошлиғи лавозимида хизмат қилиб, моҳир изқувар сифатида обрў-этибор топган. Вилоятда содир этилган ҳар бир жиноятнинг очилишига бош-қош бўлган.

Қатъиятли, иродали Муҳаммаджон акани ҳамқишлоқлари, дўстлари ва беқободликлар ҳам оқ кўнгил, соддадил, камтарин инсон эди, дея эъзозлаб хотирлайдилар.

Беқобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилган кезлари, шаҳар аҳолиси тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида устозлар ўғитлари, бор билим ва тажрибасига таяниб талабчан, жонкуяр раҳбар сифатида жиноятчиликнинг ҳар қандай турига қарши курашишда қўл остидаги ходимларга йўл-йўриқлар кўрсатар, уларнинг меҳрибон дўсти ва маслаҳат-

ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ РУҲИ ҲАМИША БАРҲАЁТ



гўйига айланиб қолганди. Ички ишлар бўлимига ёрдам сўраб ёки шикоят билан арз қилиб келган ҳар бир фуқарони самимий ва дўстона қабул қилар, уларга имконияти борича ёрдам беришга шошилар эди. Шунинг учун ҳам шаҳарнинг кечса-ю ёши мададкоримиз эди, дея фахр билан тилга оладилар.

Шафқатсиз улим меҳрибон ота, жонкуяр раҳбар, тиниб-тинчимас посбонни орамиздан олиб кетди. Уларнинг ишларини ҳамкасблари, фарзандлари давом эттирмақда. Милиция полковниги Муҳаммаджон Маҳкамов ўлимидан сўнг 2-даражали «Шон-шўрат» ордени билан тақдирланган. Бу ажойиб инсоннинг ёр-

қин сиймолари оила аъзолари ва ҳамкасблари қалбида барҳаётдир.

Марҳум милиция майори Александр Шестақ ҳам қисқа, аммо сермазмун умр кечирди. Ўн олти йил давомида Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг тергов буйича ўринбосари лавозимида хизмат қилди.

Ўша фожиали мудҳиш воқеа рўй берган кун ҳам Александр тонг сахарда оила аъзолари билан хайрлашиб ишга отланди. Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимига ака-ука Ниёзовлар рэкетчилардан ҳимоя қилишларини сўраб мурожаат этиб, уларни кўрқитиб пул талаб қилаётганликларини

билдирдилар. Шаҳар ички ишлар бўлимида дарҳол товламачиларни қўлга олиш тезкор гуруҳи тузилди. Гуруҳга Александр Шестақ раҳбарлик қиларди. Жиноятчиларни қўлга олиш учун барча чора-тадбирлар белгилаб олинди. Кечки соат 11.00 да «Операция» бошланди.

Ниёзовлар ёнига бир автомашина келиб тўхтади ва ундан собиқ Совет Армияси офицери формасидаги бир киши тушиб, Ниёзовлардан пулни санаб ола бошлади. Шу вақт Александр таслим бўлишларини айтиб огоҳлантирувчи ўқ узди. Аммо қуролланган жиноятчи А. Шестаққа қарата ўқ отади. Рэкетчилар гуруҳи қўлга олинади. Хавфли жиноятчиларни қўлга олишда милиция майори Александр Шестақ ҳалок бўлади.

Фоний дунёни тарк этган мард ўғлонлар руҳи ҳамиша барҳаётдир. Она юртимиз фидойи, мард ўғлонлари борлиги учун ҳам тинч ва осудади. Шунинг учун ҳам марҳумларнинг охиратлари обод бўлсин, руҳи-поклари барча инсонларни қўллаб-қувватлаб турсин.

М. СУЛТОНОВА,
Тошкент вилояти ИИБ
матбуот маркази
инспектори.

ОМОН ҚОЛГАН БАҲОДИР

Андижон вилояти ИИБда ҳазилкаш, дилкаш отахон — Фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция подполковниги Акмал ота Ғозиев билан суҳбат қурдим. Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларини утаган бу киши қиргинбарот урушдан қайтгач, ўзини юрт осойишталиги хизматида бағишлаган, лейтенант унвонидан подполковниккача етиб, Андижон вилояти ИИБ кўриқлаш бўлими бошлиғи лавозимида нафақага чиққан. Айни кунда вилоят милиция фахрийларига бош-қош бўлиб, ёшларга ўзининг олтинга тенг маслаҳат, йўл-йўриқларини бериб келмоқда.

Акмалжон Тошкентдаги 160-мактабни тугатган кунларида уруш бошланди. У ҳам кўплар қатори ҳарбий хизматга чақирилди. Радиотелеграфчилар курсини тугатиб, фронтга отланди. Урушнинг даҳшатини Красноводскда англади. 1943 йилнинг бошларида Акмал Ғозиев сиёсий раҳбарлар тайёрлаш курсига юборилди.

Курсни тугатгач, кичик лейтенант ҳарбий унвонига эга бўлган Акмал «Кичик ер»да ҳаёт-мамот жангини олиб бораётган 255-Денгиз пйёда бригадасининг 14-алоҳида батальонига юборилди. «Кичик ер» майдони тахминан 20 квадрат километр келар, бир томондан денгиз билан ва уч томони немислар билан ўралган бу мўъжазгина жой чинакам дузага айланиб кетган эди.

1945 йил 18 апрель тонгида немисларнинг бир батальон пйёда аскарлари, 5 та танки Акмал Ғозиев батальонига қарши ҳужумга ўтди. Бир кунда тўрт маротаба такрорланган ҳужумдан фашистлар бирон натижага эришолмади ва катта талафот кўриб, эски позициясига чекинишга мажбур бўлди. Бу ерда олиб борилган жанг ўзбек ўғлонининг хотирасидан ҳеч қачон чиқмайди. Фидокор ўзбек йигитининг мардлиги, жасорати ва ташкилотчилигини пайқаган тажрибали раҳбарлар уни бу сафар Куйбишевдаги ҳарбий алоқа билим юртига ўқишга юбордилар. Тўққиз ойлик бу курсни битиргандан сўнг унга лейтенант унвони берилди ва яна фронтга отланди.

...Акмал ўзига келиб кўзини очганида, госпиталда ётганини ҳис этди. У оғзини очолмасди. Днестр қирғидаги жангга чап юзидан кирган снаряд парчаси унги юзини ўпириб чиқиб кетган, пастки ва устки жағи қаттиқ шикастланиб, 14та тиши тўқилган эди. Акмал тўрт ойдан ортиқ даволаниб, яна қуролдошлари сафига қайтди.

У Руминиянинг — Северин шаҳрини озод қилишда қатнашиш билан ўз жанговар ҳаётининг иккинчи қисмини бошлади. Жасур жангчи Югославия, Венгриянинг Сегед шаҳрини озод этишда фаол иштирок этди.

Она-юрти Ўзбекистонга қайтган Акмал Ғозиев халқимизнинг осойишталиги йўлида хизмат қилишга аҳд қилди. Кўп йиллар милиция идораларида хизмат қилган отахон ҳозирда нафақага чиқиб, қариллик гаштини сурмоқда.

М.КИМСАНБОВЕВ.

Хотира мангу уйғоқдир. У ҳаёт мазмунининг кўзгуси. Зеро, инсоннинг ўзлигини англашда, иймон-этиқодли яшашда мураббий ролини бажаради.

Шариф Турақуловлар жанговар дамларини тупланганларга сўзлаб беришди.

— Бўйимиз милтиқ бўйидан кичик эди, — дея сўз олди фахрий Шариф

Турақулов.

Ҳали порох ҳидини билмас эдик.

А м м о

жангу жадалларда ут кечиб, галаба сари интилдик. Бизнесинг галабамиз ёвузлик устидан эзгуликнинг тантанаси бўлган.

— Ички ишлар идораларида 103 нафар уруш иштирокчиси ишлаган. Ҳозирги кунда шулардан 32 нафари ҳаёт, — дейди бошқарма фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгаши раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Мелик ака Жураев.

Учрашув сўнггида бошқарма бошлиғи уринбосари, милиция подполковниги Ашурбой Байраев уруш қатнашчиларини шахсий таркиб номидан Хотира ва Қадрлаш кўни билан самимий кутлади ва уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади.

Ҳ.ХАЙДАРОВ.

Истеъфодаги милиция подполковниги Қунғирбой ака Уроловнинг ҳаёт кечинмаларига қўлоқ тутар эканмиз, оддий милиционерга хос жасоратни, мардликни туйдик.

Қунғирбой ака Уролов иш фаолиятини Самарқанд шохбекатида оддий милиционерликдан бошлади. Асосан йуловчи вагонларда тартиб урнатиш билан шуғулланарди. Шу орада Тошкент урта, сўнгра олий милиция мактабларини битириб, маалакали мутахассис бўлиб етишди. Турли хил жиноятларнинг олдини олиш ва оғир жиноятларни очишда мардлик, жасурлик курсатди.

Эрталаб ишга келган Қунғирбой Уролов касирнинг вой-додидан хайрон қолди. Маълум бўлишича, кечаси номаълум кишилар бекат кассасидаги бор пулни умаришган. Қунғирбой ака хонасига кириб яқин бекатлар билан боғланди, вазиятни тушунтирди. Орадан кўп утмай Ғаллаоролдан хабар келди. Қандайдир йигитлар станцияда маст бўлиб юришибди. Қунғирбой ака дарҳол тезкор гуруҳ аъзолари билан Ғаллаоролга етиб келди. Станция яқинидаги ошхоналардан бирида уч йигит вино ичиб утиришарди. Тезкор гуруҳ аъзолари ҳам уларга яқин стулларнинг бирида ути-

риб, кайфи ошиб қолган улфатларнинг гапларига қўлоқ тутишди. Кайф устида улар тунги «операция» ҳақида сузлашарди. Улар ҳибсага олинди. Дастлабки суриштирувда-

ҚАЛБДА ҚОЛГАН БИТИКЛАР

ноқ йигитлар айбларини буйинларига олишди.

Қунғирбой ака (у пайтлар Ғаллаорол тумани ички ишлар бўлими бошлиғи эди) хонасида навбатдаги ишларни режалаштириб утирарди. Бирдан телефон жиринглади. «Уртоқ бошлиқ, Қорақишлоқда жиноят содир этилган. Бир чол ва қизчани улдириб кетишибди». Навбатчининг бу хабаридан сўнг бошлиқ дарҳол тезкор гуруҳ аъзолари билан уша қишлоққа йўл олди. Суриштирув ишлари бошланди. Қани энди калаванинг учи топилса. Қушчилар сўроқ қилинди. Лекин натижа йўқ. Нима қилиш керак? Шунда кимдир қишлоқда бир киши баъзан кўкнор истеъмол қилишини айтиб қолди. Бошлиқ уша одамни туман ички ишлар бўлимига олиб кетди.

— Менинг бу жиноят-

да заррача қўлим йўқ, — деди ҳалиги киши. — Лекин бир гапни айтишим мумкин...

Аслида воқеа бундай бўлганди. Ушбу қишлоқда Самарқанд шаҳридан

бир неча киши келиб тоғда геологик-қидирув ишларини олиб боришар эди. Улар бобо билан яқин ошно тугунишади. Бободан кўкнор топиб беришни илтимос қилишади. Очиқ кўнгил қария уларга кўкнор олиб келар ва эвазига пул ҳам оларди. Меҳмонлар маълум муддат шу ерда ишлашгач, Самарқандга қайтиб кетишади. Улардан икки нафарининг нияти бузилди. Қандай қилиб бўлса ҳам чолниқига бориш ва сотиб олган кўкнорларнинг пулини қайтариб олиш эди. Шу мақсадда уларнинг икки нафари Қорақишлоққа келишади. Қариядан пул ва кўкнор олишиб, яна бунинг устига чолдан пул ҳам талаб қилишади. Бобо қаршилиқ курсатади аммо, забардаст йигитлар учун бобони «тинчитиш» қийин эмас. Шовқиндан бобонинг невараси уйғо-

нади. Қушлари қонга тулган жиноятчилар из қолдирмаслик мақсадида қизчанинг юзларига ёстиқни босишади. Қизчанинг нафаси қайтиб ёруғ ҳаётдан қўз юмганига ишонч ҳосил қилишгач, жуфтакни ростлашади.

Қ.Уролов Ғаллаорол ва Булунғур тумани ички ишлар бўлимларида бошлиқ вазифасида ишлар экан, жиноятчиликка қарши қатъий кураш олиб борди. Ҳар бир жиноятни уз вақтида фойда қилган ҳам шундай ишларга даъват этди.

Қунғирбой ака оддий милиционерликдан милиция подполковнигигача бўлган ҳаёт йулини босиб ўтди. 33 йил ички ишлар бўлимида фидокорона меҳнат қилди. Ҳалол меҳнати билан эл ичра ҳурмат топти.

Бугунги кунда Қунғирбой ака «Нуроний» жамғармаси Булунғур туман бўлими раиси бўлиб ишламоқда. У киши ҳамон сафда. Катта ўғли Абдуолимжон туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, Комилжон Пастдарғом тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори, Эркинжон вилоят ҳокимлигида бош мутахассис сифатида фаолият курсатмоқда.

У. ҚОДИРОВ,
Булунғур тумани ИИБ
бошлиғининг муовини,
милиция капитани,
М.ЖАЛИЛ,
журналист.

ХАЁЛ КЎЗГУСИДАН ЎЧМАЙДИ СИРА

Бугунги кунда истиқлол туфайли тарих қатларида яшириниб келинган маънавиятимиз қайта шаклланди. Уттизинчи йилларнинг машъум қатлиоми юртимизни асл фарзандларидан жудо қилди. Уларнинг порлоқ хотираси машъала бўлиб юракларда уйғонди. Ҳали халқимизнинг ёдида, иккинчи жаҳон уруши асоратлари чандиқ бўлиб қолган. Қанчадан-қанча навқирон йигит-қизлар Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетдилар.

Яқинда Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби билан уруш иштирокчилари учрашуви бўлди.

Учрашувда истеъфодаги милиция полковниги Ҳамро Рузиев, истеъфодаги милиция подполковниги Жаббор Шаропов, истеъфодаги милиция майори

Президентимиз Фармони билан 9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши ўзбекистонда буюк аждодларимизнинг руҳини шод этиш, утган буюк алломаларга эҳтиром курсатиш имкониятлари очилди.

Инсон хотираси улуг. Ҳалол хизмат қилиб элда эъзоз топган фахрийларнинг хурматини жойига қўйиш, қадрлаш янада савоблидир. Ана шундай анъаналар вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам давом эттириляётганлиги эътиборга лойиқ.

Ҳозирги кунда вилоят ички ишлар идораларида хизмат вазибаларини утаб, қарилик гаштини сураётган 834 нафар нафақадаги фахрийларимиз бор. Уларнинг етти нафари иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари. Ун олти нафар фахрийларимиз уруш йилларида фронт ортида тинчликни сақлашда ички ишлар идораларида хизмат қилишган. Вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти фахрийларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш ишларига алоҳида эътибор берапти. Ут-

ЭГИЛМАГАН ҚАДРИМИЗ



ган йили Тошкент шаҳридаги Амир Темур музейига, Бухоро шаҳрига саёҳат уюштирилди. Бу йил эса 80 нафар фахрийларимиз Имом Бухорий ҳазратларининг мақбарасига зиёратга бориб келишди.

Бу йил фахрийлар бошқарма раҳбариятининг ташаббуси ва моддий кўмаги билан вилоят туманларидаги фахрийларимизнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам курсатишни режалаштирган эдик. Бугунча жамоатчилик марказининг аъзолари барча туманларда бўлиб, фахрийларнинг яшаш шароитларини ўрганиб қайтдилар.

Боқувчисини йўқотган оилаларга пул, ун, мой ва рўзгорга керакли бошқа маҳсулотлар билан ёрдам курсатдик. Бундан ташқари вилоят ички ишлар бошқармасида Наврўз байрами, Мустақиллик ва Конституция кунлари муносабати билан фахрийларга байрам дастурхони ёзиб кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Бизни бир нарса қувонтиради. Кейинги йилларда вилоятда фахрийларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Уларга яратилаётган шарт-шароитлар тобора яхшиланаяпти. Бошқармага қарашли барча туман ички ишлар бўлимларида,

хотирасига бўлган чексиз иззат ва ҳурмат тимсолидир.

Милиция майори Олмос Бобоев, милиция подполковниги Пулат Собиров, ички хизмат полковниги Неъмат Тураев сингари кўплаб ходимларимиз умрларини юрт тинчлиги ва осойишталигига бахшида этишган. Ўз хизмат вазибаларини бажараётиб, жиноятчилар билан тенгсиз курашда Раҳматулла Холхужаев, Икром Умаров, Ҳамид Шермонкулов, Зарифжон Бердиев, Алишер Аюпов сингари 38 нафар ходимларимиз ҳалок бўлишган.

Хотира ва Қадрлаш куни ана шундай фидоий инсонларнинг ёрқин хотиралари олдида инсоний бурчимизни бажаришга чорлайди. Бу кун шуниси билан ҳам муътабарки, нафақат утганларни хотирлаш, балки бир-биримизни қадрлаш куни ҳамдир. Биз, фахрийлар бу кун ҳақиқий байрамга айланишига ишонамиз.

Жониузоқ ТУРДИМУРОДОВ, Жиззах вилоят ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раиси, истеъфодаги милиция подполковниги.
Суратда: вилоят ички ишлар идоралари фахрийлари ёш милиция ходимлари билан суҳбатлашмоқдалар.

Б. БЕГИМКУЛОВ олган сурат.

САВОБ ИШДАН ЧАРЧАМАЙЛИК

Вақтида бутун куч-ғайратини, билимини эл-юрт осойишталиги йўлида хизматга сарфлаб, эндиликда ички ишлар фахрийлари сафидан урин олганлар Навоий вилоятида ҳам анчагина. Уларнинг аксарияти, биз нафақадан, деб қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ, тўплаган билим ва тажрибаларини баҳоли қудрат ёш авлодга беришяпти, жамоат ташкилотларида фаолият курсатишяпти.

Уларнинг бошини қовуштиришда истеъфодаги ички хизмат капитани Қори Норов раҳбарлик қилаётган Фахрийлар кенгашининг хизмати беқиёс. Қори аканинг шахсан уйлари ҳам фахрийлар ташвиши билан олиб-югуришдан чарчамайдилар, кенгаш аъзоларига ҳам тиним бермайдилар.

Яқинда Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш муносабати билан вилоят ИИБ, бошқа ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда утказиладиган тадбирлар режаси белгиланди. Унга мувофиқ бирор бир фахрий эътибордан четда қолмиш керак эмас. Айниқса, 30 дан ортқ иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 20 га яқин боқувчисини йўқотган қарияларни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Гап уларга бериладиган 5-6 минг сўмдан пул ёки қимматбаҳо совғаларда эмас, эътиборда.

Газетхонларда фахрийлар фақат байрам кунлари эсланаркан-да, деган тасаввур пайдо бўлмаслиги керак. Кенгаш вилоят ИИБ билан бирга муҳтож фахрийларни бепул дори-дармонлар, санаторийларга йўлланмалар билан таъминлайди, шаҳар ҳокимияти ёрдамида уларнинг яшаш шароитини яхшилашга ҳаракат қилади.

— Бирор марта на ҳокимлик ва на ИИБ илтимосимизни ерда қолдирмади, уларга раҳмат! — дейди суҳбат асосида Қори ака. — «Ака», деганимга ҳайрон бўлманг, бу кишини ёшлик гайрати тарк этмагани учун булса керак, ҳамма шундай қаҳради. Сизга раҳмат, Қори ака, савобли иш қилишдан ҳеч чарчаманг.

Бобомурод ТОШЕВ.

Инсон утган умрига баҳо берар экан, қилган хайрли ишларидан кўнгли равшан тортади. Ҳатто камчиликларидан хулоса чиқариб, фарзандлари ва шогирдларини огоҳ этади. Ҳаётда яхши ном, узидан кейин муносиб фарзандлар, шогирдлар қолдирганидан беҳад хурсанд бўлади.

Истеъфодаги милиция майор

тиқ назорат ўрнатди. Кўнгли назоратчи йигитлар гуруҳини тuzиб, ҳамкорликда иш олиб борди. Қонунни менсимайдиган баъзи раҳбарлар билан мурасиз курашди. Ўз бурчини садоқат билан бажариши кимларгадир ёқмади. Шу боис, унинг маълумоти бор-йўғи ун синфлигини тез-тез пеш қиладиган бўлишди. Бу таъналар ўқиш орзусида куйиб-

сидан чиқиб, майор унвонига ҳам эга бўлди.

... Бир қишда ишдан ярим тунда уйга қайтаётган Рейимбой кўпқаватли уйларидаги бирида ёнғин чиққанини кўриб қолади. Тез талага кўтарилиб, қўшни балкон орқали ёнаётган уйга киради ва кетма-кет олти болани кўтариб олиб чиқади.

Рейимбой оға милиция формасини 33 йил кийди. Турмуш ўртоғи Ҳоллихон опа билан икки ўғил, икки қизни бекаму-кўст вояга етказиб, барини олий маълумотли қилишди.

Кенжа ўғил Қонсбой ота касбини танлади. Ҳозир Нукус шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими бошлигининг уринбосари бўлиб ишлаш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг 4-босқичида сиртдан ўқимокда. Милиция капитани. Нукус шаҳар ИИБ паспорт бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Алланиёз Абдуллаев ва Қорақалпоғистон республикаси ИИБ ШТБХ бошлигининг ёрдамчиси, милиция подполковниги Тозабой Срашовлар Рейимбой оғанинг муносиб шогирдларидир. Рейимбой оға Гаррибоев улар олдида тез-тез келиб, қимматли маслаҳатлар бериб туради.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

У КОМИЛ ИНСОН ЭДИ

Инсондаги энг гузал фазилатлардан бири олийжанобликдир. Ана шундай аjoyиб инсонлардан бири Ражаб ака Зоҳидов билан аслида қуришмаганман, эшитганман, холос. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида у кишининг ҳамқишлоқлари ва ҳамкасблари билан суҳбатлашганимда хурматим ун чандон ошди.

Кишининг муносиб ютуқларни қўлга киритиши ва бахтга эришиши узига боглиқ. Жомбойдан чиққан оддий милиционер вақт ўтиши билан етук раҳбар сифатида узоқ йиллар Булунғур, Пойарик, Ургут ва Сиёб туманлари ички ишлар бўлимларини бошқарди. Ҳалол меҳнати ва фидойилиги туфайли милиция полковниги даражасига эришди. «Ўзбекистонда хизмат курсатган ҳуқуқшунос» унвонига эга бўлди.

У кишига ёзилган тафсиҳномалардан бирида шундай жумлалар бор: «Ражаб Зоҳидов ички ишлар идораларидаги хизмати даврида ташкилотчилик ва юксак инсоний фазилатларни намоён қилди. Ходимлар билан тил топиша олади, доимо сузи билан иши бир. Қўл остидагилардан қатъий интизомни талаб қилиш билан бирга уларга ниҳоятда меҳрибон. Кўплаб шогирдлар етиштирган. Мунтазам уз устида ишлайди, сиёсий савиясини ошириб боради».

Ражаб ака ҳаётлигида уни муқофотлаш учун 49 марта буйруқ чиққан экан. Ҳар кимга ҳам насиб этавермайди бундай шараф.

Бугунги кунда Ражаб ака Зоҳидов орамизда йўқ. Аммо у бошлаган хайрли ишларни юзлаб шогирдлари, шунингдек, ота касбини танлаган уғиллари Рустам, Равшан ва Шўҳратлар давом эттиришяпти.

Анвар ҒУЛОМОВ.

БИЗНИНГ РЕЙИМБОЙ ОҒА

ри Рейимбой оға Гаррибоев ана шундай сермазмун умр соҳибларидан бири. У киши 1957 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, Нукус шаҳар ИИБга оддий милиционер бўлиб ишга кирди. Орадан бир неча йил утгач «Чимбой» худудига участка вакили бўлиб тайинланди. Бу ерга бир йилда учта участка вакили келиб, ишни эплолмай кетишган эди. Рейимбой чойхона, меҳмонхона, кинозал, истироҳат боғлари ва клубларда қат-

наётган Рейимбой юрагига тош бўлиб ботмади, аксинча унга кўқудрат бахш этди. Тиним билмай изланди, ўқиди, ўрганди. Ниҳоят, 1975 йилда янги ташкил этилган Қорақалпоғистон республикаси давлат университетига ҳужжатларини топширди.

Ушанда ҳам баъзилар «ўзингми, ё болангни ўқишга олиб келдингми?» — деб киноя қилишганди. Рейимбой оға барига чидади. Сабр-тоқат, метин ирода туфайли ўқиш билан ишнинг уdda-

Иштихон тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Илҳом Олтибоев милиция лейтенанти Соҳиб Зиёев ҳақида шундай деди:

— Ёш бўлишига қарамай кўпчиликка уртак. Қани энди ҳамма участка вакиллари ҳам унга ухшаса. Утган йил худудда 2 та майда жиноят содир этилиб, ушда кўннинг узидан очилганди. Бу йил шу кунга қадар бирорта ҳам кўнгилисиз воқеа рўй бергани йўқ. Бунинг бари Соҳибжоннинг сергайрат, тиниб-тинчимаслиги, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар билан мустаҳкам алоқада иш олиб боришида деб биламан. Яхшиси, узини чақирай, суҳбатлашинг.

Орадан кўп ўтмай хонага қотмагина, ёқимли, юз-кўздан ёшлик шижоати сезилиб турган участка вакили кириб келди. Танишдик.

— Худудимизга Урта қишлоқ фуқаролар кенгашига қарашли Шароф Рашидов ва Ҳамид Олимжон номли жамоа ҳужаликлари қарайди, — деди милиция лейтенанти Соҳибжон

Зиёев. — 1650 хонадонда 8500 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Янгиравот ва Таллак маҳалласи оқсоқоллари Комил Тошев ва Жониқул Ҳақназаровлар билан эртаю кеч биргамиз. Қишлоқ оқсоқоллариям ишимизга яқин кўмақдош. Баҳром Эргашев, Журақул Норматов,

бўлди, — дейди Жониқул. — «Энг намунали хонадон» қўриқтанловини утказдик. Унда Роҳат Товбоева, Зайнаб Утаева, Ибодат Ғафоровалар хонадонлари голиб деб топилди. Нотинч оила ва қўшнилари билан ишлаш буйича махсус комиссия иш олиб бормокда. Буларнинг

ҲУРМАТ ҚОЗОНГАН ЙИГИТ

Суюн Эшмуродов, Абсалом Тожиев, Тўхтамурод Абдумуродовлар туй-маъракаларга доимо бош-қош, кам таъминланган оилалардан хабар оладилар.

Участқа вакили билан худудни айланар эканмиз Таллак маҳалласи оқсоқоли Жониқул Ҳақназаровни суҳбатга тортдик.

— Кейинги пайтда қишлоқ ва хонадонларимизда озодаликка жиддий эътибор бериладиган

бари участка вакилининг иштирокида бўлмокда. Ҳозиргача 6 та бундай нотинч оила ва қўшнилари яраштирилиб, улар ўртасидаги адоватга чек қўйилди. Қисқаси, қишлоқларимиздан туман ички ишлар бўлимига ариза кўтариб борувчилар йўқ. Барча шикоятлар шу ернинг узидан ҳал этилади.

— Соҳиб Зиёев илгари судланганлар билан ишлашга, уларнинг оиласидан хабар олишга ҳамisha вақт топади, —

дейди туман ички ишлар бўлими бошлигининг шахсий таркиб буйича уринбосари, милиция майори Баҳриддин Нурматов. — Ҳозир ана шундай кишилардан 9 нафари алоҳида деҳқон ҳўжаликлари ташкил этиб, тинч меҳнат билан шуғулланишмоқда. Уларнинг бири яқинда бригадага етакчи қилиб қўйилди. Соҳибжонга худудда олиб бориладиган профилактик ишларда халқ псонлари Акмал Мардиев, Нурат Ботировлар яқиндан ёрдам беришяпти.

Соҳибжон ИИБга ишга келганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, касба бўлган меҳр-муҳаббат вақт билан улчанмас экан. Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини битирган буйигит 1995 йилда Фарғонадаги 6 ойлик участка вакиллари тайёрлаш курсини битириб келгандан бери шу соҳада гайрат билан ишлаб, эл назарига тушди. Ундаги ютуқлари сири одамлар қалбига йўл топа олишда деб уилаймиз.

Уткир САИДОВ, Салоҳиддин ЗОҲИДОВ.

ДУШАНБА, 10

ЎзТВ I

17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Металлург». Танаффуз пайтида — Янгилликлар. 18.50 Эстрада тароналари. 19.05 «Мувоозанат». Ахборот-таҳлилий курсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Сиз—Ватан ардоғида». Мусикий дастур. 21.55 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: А. Қодирий «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 11-қисм. 22.40 «Ишонч дароҳти». 23.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 45-қисм. 00.00 «Ахборот». 00.30 «Маънавият» дастури. 01.10-01.15 Ватан тинчликлари.

ЎзТВ II

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Таҳлинома». 8.40 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 9.05 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Кулол Раим бобо». 9.20 «Олтин тоғ». Телевизион уйини. 9.40 «Куй ва тасвир». 10.00, 12.00, 14.00 Янгилликлар. 10.05 Кундузги сеанс: «Оролга сайр». Бадий фильм. 11.25 «Озод Ватан». Мусикий дастур. 12.05 «Кунгил». 12.30 «Оила». Тележурнал. 13.00-14.00 «Оталар чойонаси». Мусикий — дам олиш дастури. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Кувноқ учрашув», «Муълшоша»). 18.40 «Муганний». 18.55 «Эски альбомдан». 19.00 «Давр». Ахборот дастури 19.30 «Ҳаёл». 19.50 «Биринчи мўжиза». 20.05, 20.35, 22.55 Эълонлар. 20.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 20.40 «Жаҳон». Халқаро шарҳ. 20.55 «Мусикий лаҳза». 21.00 «Давр». Ахборот дастури. 21.30 «Ешлар» телеканалда. 21.35 «Маслаҳат». 22.05 «Душанбада қуришгунча». 22.20 «Олам футболли».

СЕШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот». 8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 «Рақс, рақс, рақс...». 9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар. 10.05 Янги алифбони ўрганамиз. 10.25 Кундузги сеанс: «Чилангар Кова». Бадий фильм. 12.05 «Маънавият» дастури. 12.45 «Мактублар—қабултарлар». 12.55 «Вашингтонда бир кун». Ҳужжатли фильм. 13.10 Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги намунали оркестрининг концерти. 13.40 «Ешликми ёки бебошлик?» 14.10-14.55 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: А.Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 11-қисм. 18.10 Болалар учун. «Санъат гуначлари». 18.35 «Солиқ ва назорат» 18.55 «Шеър ва шуур». 19.05 «Иқтисодий чорраҳаларида». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Кўк сув дарёси буйлаб». Премьера. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Маърифатнома». 21.45 «Ҳаёт гули». Мусикий дастур. 22.20 ЎзТВ экранда биринчи марта. «Индаба». Кўп қисмли бадий фильм. 9-10 сериялар. Спорт дастури: 23.10 «Футбол майдонларида». 23.25 Оғир атлетика буйича Ўзбекистон чемпионати. 23.55 «Ахборот». 00.25 «Қайлик ўтирлаш». Бадий фильм.

ЎзТВ II

18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 45-қисм. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «Марду-майдон». 19.50, 20.20, 22.30 Эълонлар. 19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 20.25 «Мусикий лаҳзалар». 20.30 «Ватан манзаралари». 20.45 «Сиз севган хонанда: Умида Мирхамидова». 21.00 «Давр». Ахборот дастури. 21.30 «Ешлар» телеканалда. 21.35 «Сарвиноз». Мусикий дастур.

22.40 «Шарҳ эстрадаси». 23.00 Синема. «Дарёга тушган губор». 00.30 «Спорт-қитъаси». 01.00 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Курсатувлар дастури. 18.00 «Пойтахт». Информацион курсатув. 18.10 «Ёрилтош». Мультипликация. 18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун». 18.40 «2000 йилдан сунг». Телесериал. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Бурч ва масъулият». 20.15 «Телефакт». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Спорт-тайм». 21.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 21.45 «Дорихона эшитида...». 22.15 «Талабларга биноан». 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатув. 22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.35 «Пойтахт». Информацион курсатув. 23.50 Оҳанглар ва эълонлар. 23.55 Саргузашт фильмлар экрани.

ЎзТВ IV

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ. 15.10 «СНН. Жаҳон янгилликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Дурдаршан». 16.10 «Келажак ҳақида уйлар». 16.35 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Холл хола». 2-серия. 16.50 «Уорлднет» янгилликлари. 17.00 Клип-антракт.

Россия жамоат телевидениеси.

17.5 М.Задорнов, Л.Филатов, В.Качан «Уч урток» дастурида. 18.05 Ричард Чимберлен саргузашт «Сегун» сериалида. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 Футбол шарҳи. 21.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал гуруҳлари командалари матчи. Норвегиядан курсатилади.

30-канал

Соат 15.00 га қадар линияда профилактика. 15.05, 18.00, 20.10, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».

15.30 «Олов гилдираги». Телесериал (Бразилия). 16.00 «Калтафаҳлар». Усмирлар учун сериал (АҚШ). 16.25 «Карлуз-ТВ». 16.45 «Эсдалик учун дастхат». Мусикий дастур. 17.15 «Эхтирослар асирлигида». Телесериал (Мексика). 18.20 «Ошиқона». Мусикий дастур. 18.30 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал. 19.00 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал (Мексика). 19.45 Спорт шарҳи. 20.35 «Клип-совга». 21.30 «30-канал» да кинооқшом. 21.35 «Умрбод». Сериал (Мексика). 24.00 Тунги мусикий-дам олиш канали.

РЖТ

7.30 Мультифильм. 7.45 Сергей Никоненко, Людмила Гурченко ва Армен Жигарханян «Оқ портлаш» уткир сюжетли фильмида. 9.00 Маданият янгилликлари. 9.20, 16.10, 16.35 — «Дисней-клуб». 9.50 Дм. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдлари». 10.10 «Хамма уйдалигида». 10.45 «Тонг юлдузи». 11.35 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал. 12.30 Учрашув жойи «Сунгги навбатда» детективда. 14.00 Янгилликлар. 14.15 Евгений Петросяниннинг «Кулги панорамаси». 14.50 «Саёҳатчилар клуби». 15.40 «Ақлилар ва оқиллар». 17.05 М. Задорнов, Л. Филатов, В. Качин «Уч урток» дастурида. 18.05 Ричард Чимберлен «Сегун» саргузашт сериалида. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 Футбол шарҳи. 21.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал гуруҳлари командалари матчи. Норвегиядан курсатилади.

РДТ

7.00, 7.50, 14.00 — Мультифильмлар. 7.10 «Рус лотоси». 8.30 «РДТ почтаси». 9.00 «Хайрли тонг, юртим!». 9.30 «Бола тилидан». Телеуйини. 10.00 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Жемчужина» (Сочи). «Динамо» стадионидан олиб курсатилади. 12.00 Галаба кунига. «Россия урушда. Қордаги қон». Ҳужжатли сериал. 10-серия. 13.00, 19.00 — «Вести».

13.30 «Турт денгиз қирғоқларида». Туркия ҳақида ҳужжатли фильм. 14.10 «Парламент соботи». 15.10 «Конун ва тартиб». Телесериал. 16.00 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар». 17.00 «Мутлақо маҳфий». 18.00 «Юлдузлар майдони-99» миллий мусиқа фестивали. 19.35 «Бир боқишда муҳаббат». 20.10 Россия Ички ишлар вазирлиги ички ишлар қўшинлари кунига бағишланган концерт. 21.50 «Акуна-матата». 22.50 Джули Кристи «Мисс Мэри» психологик драмасида (АҚШ).

ТВ-6

9.05, 20.30, 00.25 — «Йул назорати». 9.25 Мультифильм. 9.50 «Неонли қавандоз». Сериал. 10.45 «Сирли орол». Сериал. 11.10, 00.50 — «Диск-канал». 11.45 «Миллий география жамияти» билан саёҳат. 12.45, 14.30 — «Харидингиз учун ташақкур!» теледукони. 13.00 ТВ-6 кинотеатри. «Тиниб-тинчимаган ҳужалик». 14.40 Кино мусиқаси. 15.00 ТВ-6 кинотеатри. Л. Касаткина, Л. Биков «Утни ўзимизга қарата очамиз» ҳарбий драмасида. 1—4-сериялар. 20.50 «Бис» ҳажвий курсатуви. 21.25 «Сиз — шохидсиз». 21.55 ТВ-6 кинотеатри. В. Гаркалин, И. Чурикова, В. Алентова, Л. Куравлёв «Иқир-чиқирлар» комедиясида. 00.40 «Шу куннинг олти янгиллиги». 01.25 «Қизил туфлича кундаликлари». Сериал. 01.55 «Сифат белгиси». 02.05 — 02.20 «Севсанг-қара». Видеоклиплар.

НТВ

9.10 Олег Ефремов, Вячеслав Тихонов ва Михаил Ульянов «Галаба кунига бағишланган иншо» фильмида. 11.00, 13.00, 17.00, 20.00, 23.00 — «Бугун». 11.15 Криминал. «Чин дилдан иқроор бўлиш». 11.40 «Нафи тегади». 11.55 Саргузашт ва фантастика олами. «Миго — узга сайёралик». Сериал. 12.25 «Мени тушун». Телеуйини. 13.15 «Касби — репортёр». 13.35 «Ўз уйини». 14.05 Донатас Банионис, Ролан Биков, Светлана Коркошко ва Юрий Яревет «Улик мавсум» фильмида. 1, 2-сериялар. 16.30 «Жаҳонни титратган муҳаббат

тарихлари». «Марион Дэвис ва Уильям Рандольф Херст». Сериал. 17.15 «У қотилликни баён этди». Сериал. 18.10 «Суд келяпти». 19.00 «Криминал Россия». Ҳужжатли сериал. 19.25 «Мен ва итим» доғ-шоуси. 20.35 Олег Стриженов, Василий Лановой, Михаил Жигалов ва Георгий Юматов «Йуқ қилишга киришилсин» уткир сюжетли фильмида. 1, 2-сериялар. 23.45 Кино олами. Квентин Тарантинининг «Қутирган итлар» жангари фильми (АҚШ). 01.30 «Уша ҳақда» ток-шоуси.

АСТ

7.00, 13.00 Мультифильмлар дастури. 7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт» ахборот дастури. 7.40, 1.40 «Кичик хонимча» телесериали. 8.35, 23.10 Ҳаммабоп иқтисодий. 8.45 Болалар концерти. 9.10, 18.30 Телефорум. 9.35, 18.00, 2.40 Эркалар ташвишлари. 10.00, 16.00 «Лайлакча». Болалар дастури. 10.40 «Олов гилдираги». Телесериал. 11.40, 22.00 «Хотин-қизлар сизлар учун». 12.05 «Ҳужжатли экран». 12.55, 21.55, 6.55 «Фавкуллода ҳодиса руй берганда». 13.40 «Еввойи мушук» телесериали. 14.40, 5.50 «Айни муддао». Ешлар дастури. 14.55, 6.05 «Россия орденлари». Илмий-оммабоп сериал. 15.25, 22.40 «Спорт ҳар кун!» 15.55, 0.55 «XX асрдан XXI асрга». 16.40 «Қурқма, мен сен билан». 1-қисм. 19.00 ...учун мавҳум. Бир йил утиб 19.40 «Сохта она» телесериали. 20.40 «V. I. P. студиясида меҳмонда». В. Винокур. 20.55, 3.10 «Адреналин» саргузашт сериали. 23.20, 4.40 «Адвокат». 1-қисм. 0.30 «Дустлар даврасида». 1.00 «Шанба кайфияти». 4.00 Куп йиллар аввал шу кун!... 6.30 Чет эл эстрадаси юлдузлари.

REN TV

• 1970 йил 20 майда «Жасорат» мемориал мажмуи очилди.
• 1982 йил 26 майда Тошкентда Халқлар Дўстлиги монументи очилди.
• 1992 йил 8 майда Тошкент шаҳрининг айрим туманлари қайта номланди.
• Шу йил 12 майда Тошкентда Жаҳон тиллари университети ташкил этилди.
• Шу йил 15 майда Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентда учрашуви бўлиб ўтди.
• 1999 йил 9 майда республика Президентининг Фармонига биноан юртимизда илк бор Хотира ва Қадрлаш кунини нишонланади.

БИЛМАГАННИ СЎРАБ БИЛИНГ

Мен 1941—45 йилларда фронт ортида меҳнат қилганман. Жамоат транспортда юришим, газ ва электр токидан фойдаланишимда бирор имтиёз борми?

Т. Сотимбоев,

Янгиёул туманидаги Х. Турсункулов номи жамоат ширкат хужалиги.
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказида бу хат юзасидан қуйидагича тушуنча беришди: агар иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида меҳнат қилганингиз ҳукуратимиз орден ва медаллари билан тақдирлашган бўлса сизга маълум имтиёзлар берилади. Узингиз яшаётган тумандаги Нуроний жамғармасига мурожаат қилсангиз, ҳужжатларингизни кўздан кечириб, тегишли ёрдам курсатадилар.

Инсоният тарихида ер юзидаги энг бадавлат киши ким бўлган? Шу ҳақда маълумот берсангизлар.

С. Остонов,

Ер куррасидаги энг бой одам Ассирия подшоҳи Ашшурбаниал ҳисобланади. У эраимиздан олдин яшаб, 631 йилда оламдан ўтган. Ҳазинасида эса талайгина олтин ёмбарлар қолган. Ҳисоб-китоб қилиб, бу тилалар пулга чақилганда 1566 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

«КАМОЛОТ - КОМПЮТЕР» БИЗНЕС МАКТАБИ

- ҚУЙИДАГИ ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
• ҳисобчилар компьютер таълими билан бирга;
• инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);
• болалар учун инглиз тили;
• банк иши ва компьютер билимлари;
• замонавий бухгалтерия ҳисоби;
• банк иши;
• компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS-95, MS OFFICE- 95, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА);
• дастурлаштириш тиллари;
• бичиш-тиқиш зардузи;
• 1С: бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими. INTERNETга ўқитиш.
Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий-11, 39-хона. («Камолот» республика йиллар жамғармаси биноси). Тел.: 41-59-74; 58-48-50.



ВИЖДОНИ

ПОК ЭДИ

Ҳақиқат эгилади — синмайди. Эгилган ҳақиқатни тиклагунча асаблар ишдан чиқади. Марҳум Маҳмуд ака Собитов бошига тўхмат тоши тегиб, азият чеккан, Мустақиллик туфайли кўкрагига яна офтоб текканлардан бири. Унинг ички ишлар идораларидаги хизмати 1964 йилда бошланган. Аввалига Сирдарё тумани ИИБ ДАНБда ишлади, кейинчалик Бахт шаҳрида уюшма вакили бўлди. 1981 — 1985 йилларда Сирдарё тумани ички ишлар бўлимида масъул навбатчи, соқчилик бўлими бошлиғи, ҳушёрхонада навбатчи вазибаларида ишлади.

Хизмат давомида сиҳат-саломатлиги ёмонлашди. Нафақага чиқишга озгина қолганди.

Ушанда 1985 йилнинг 18 апрели эди. Кундузи вилоят ички ишлар бошқармасидан вакил келиб қизи Гулнорадан ёзув машинкасини олиб кетади. Бу машинкани у қизига туғилган кунига совға қилган эди. Кеч соат етти яримларда Маҳмуд акани зудлик билан Сирдарё туман ва шаҳар ички ишлар бўлимига чақиришади ва бўлим бошлиғи устидан тушган имзосиз хат унинг машинкасида ёзилганлигини (яъни, хатни гуё у ўзи ёзганлигини) айтишади. Маҳмуд ака унинг даъвоси тўхмат эканлигини ҳарчанд тушунтирмасин ҳеч ким қулқол солмади ва инobatга олмади.

Шундан сўнг Маҳмуд Собитов ҳимоя қидириб, юқори ташкилотларга мурожаат қилади. Улар ҳам ёрдам беришмайди. У тўғрисида ҳар хил уйдирмалар кўпаяверади, бир неча тегишли ташкилотларда муҳокама ҳам қилинади. Унга «уйида ноқонуний тарзда ёвуз машинкасини сақлаганлиги учун» деб партиявий жазо берилади.

Айбсиз айбдорнинг: «Ахир, мен машинкани магазиндан сотиб олган эдим-ку?!» — деган гапларига ҳеч ким қулқол солмайди. Охир-оқибатда уни 1986 йилнинг 27 январь кун «раҳбариятни обрўсизлантиргани учун» деган ибора билан ишдан бушатишади. Устига устак иши прокуратурага юборилади...

Сирдарё туманлараро прокурорнинг уринбосари Баҳримурод Каримов 1987

йил 20 февраль кун имзаланган бир ҳужжатдан кўчирма Собит аканинг шахсий архивида ҳамон сақланади. Унда қуйидагилар ёзилган: «Хизмат тергови М. Собитов имзосиз хат ёзганлиги тўғрисида конкрет хулоса чиқарилганлиги қарамасдан бу ҳолат унинг жиноий жавобгарликка тортилиши учун асос бўла олмайди. Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари имзосиз хат матни М. Собитовга тегишли машинкада ёзилганлиги учун хат муаллифи М. Собитов деб хулоса чиқаришган. Бу хат муаллифи М. Собитов эканлиги, тасдиқланмади. М. Собитовнинг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай жиноят таркиби йўқ».

Оворагарчилик анчага чўзилади. Прокурор муовинининг қарори ҳам инobatга олинмайди. Маҳмуд ака Собитов ишдан бўшатишга қўлаверди. Лекин бу матонатли инсон ҳақиқат қарор топишдан умидини узмайди. Республикада мустақиллик шамоли эсиб, чин хурликка эришганлигимиз туфайли унинг қисмати энгиллашди. 1994 йилнинг охирида вилоят ички ишлар бошқармасига чақиришади, нафақа олиш ҳуқуқи тикланиб, нафақадорлик гувоҳномаси берилади...

Иродали юртдошимиз Маҳмуд Собитов юқоридаги ноҳақликдан руҳан тушмайди. Рафиқаси Турсуной ая билан фарзандлари Бегматжон ва Гулнорани меҳр-муҳаббат билан тарбиялаб вояга етказди. Иккаласи ҳам олий маълумотли, иқтидорли мутахассис сифатида ўз касбларида ибратли фаолият кўрсатмоқда.

Соф виждонли инсон Маҳмуд Собитов анчагина қийинчилик, оворагарчиликдан сўнг тўхмат балосидан қутулди. Лекин, мудҳиш ўлим уни айни шодлиги қалбига сиймаётган пайтда, бундан уч йил олдин орамиздан олиб кетди. Унинг покиза иш юришти услубини муносиб шогирдлари, назари тушган ҳамкасблари давом эттиришмоқда.

Қахрамон ХОЖИЕВ.

— **Милиция хизматини мен шунчаки тирикчилик ўтказиш учун эмас, бугуним, эртанги куним ва келажагим деб севиб танлаганман, — дейди Андижон шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг уринбосари Давронбек Юсупов.**

... Шаҳар ички ишлар бўлимига хабар келди: Андижон шаҳрини кесиб ўтувчи катта сойда бир ёш аёлнинг жасади оқиб келиб, Жаҳон бозорига ўтиб кетувчи кўприк остидан туриб қолибди. Давронбек Юсупов бошчилигидаги тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб борди. Жасад сувдан олинди, шахси ҳам аниқланди. Эндиги вазифа — у ўзини-ўзи сувга ташлаб юборгани ёки кимдир ўлдиргани? Ана шуларни аниқлаш эди...

Давронбекка жонсарақлик отаси Абдувоҳид акадан ўтган. Отаси колхозда ҳисобчи эди. У эс-эс биларди. Онаси ҳар доим зорларни: «Дадаси, ишдан эртaroқ келсангиз-чи, болаларингизнинг тарбияси билан ўзингиз шугуллангиз. Манаву ўртанчангиз (у киши Давронбекни ухляпти деб баралла гапирарди) ҳеч ҳам менинг гапимга

кирмайди. Жудаям шўх. Ўзингиз бирор нарса деса-сангиз-чи!

«Жасорат» медали совриндорлари

«ЖАСОРАТ»ЛИ ДАВРОНБЕК

Онаси биларди: отасининг жамоа ҳужалигида обрўси жуда баланд эди. Сабаби, у ҳужаликнинг ҳар бир аъзоси, ҳаттоки ҳар бир қарич еригача биларди.

— Қуяверинг, онаси, — дер эди Абдувоҳид ака салмоқлаб, — болалигида шўх бўлса, катта булганда ақлли одам бўлади. Бола булганидан кейин уйнасин-да.

Она ҳар доим турмуш уртоғини бепарволигидан тутоқиб, ўз ёғига ўзи қорилиб қолаверарди.

Отаси вафот этганида

у эндигина ун бир ёшдаги бола эди. Отадан бевақт ажралош бу оилага ўзига яраша мусибат олиб келди. Аммо она-зор турмуш ташвишларининг бутун оғирлигини ўз зиммасига олди-да, болаларининг етимлигини

билдирмасдан елиб-юғуриб, уларни тарбиялади, ўқитди. Зийрак, қобилиятли Давронбекнинг шўхшодон болалиги ўша кунлардан бошлаб тугагандек, бирдан улғайиб қолгандек эди гуё...

Ўзи туғилиб усган Ширмонбулоқ тоғларининг мусаффо ҳавосими ёки ўша ерда яшаётган кишиларнинг жайдари феълларидан юққанми у ўзи бошлаган ишни охирига етказмагунча қўймайди.

У хизматни бошлаган пайтидан то шу кунга қадар жиноят-қидирув хизматида ишлаб келди.

Оғир ҳамда шарафли меҳнатлари, хизматлари ис-сиз кетмади. Давронбек Юсупов 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Жасорат» медалига сазовор бўлди.

Ундаги қобилиятни, ҳаракатни курган Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти унга ишониб Андижон шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг уринбосари лавозимини топширди.

Тун ярмидами ёки ярмидан оққандами хизматдан уйига қайтган милиция майори Давронбек Юсупов ва унинг сафдошлари ҳали тонг ёришмасдан туриб, осмондаги тонг юлдузлари ўз уринларини нурафшон қўш-га бушатмасдан илгари жойларига келиб, хизматни давом эттирадилар. Аммо уларнинг юзларида, кузларида «Мен шундай хизмат қиляпман!», деган ифодани кўрмайсиз. Шунинг учун ҳам юртимизда гудакларнинг уйқуси беозор, оналарнинг кулгуси жарангдор бўлса ажаб эмас...

Умида БОНУ, Андижон вилояти.

Одатда, биз бирон бир мол-мулк, пулимизни ёки қимматбаҳо буюмимизни юмшоқ қилиб айтганда «олдириб» қўйсак юрагимизга қил ҳам сиймайди. Бундай пайтда атрофдаги мас-лаҳат берувчиларнинг сонини қўяверасиз. Айниқса, «ўзингга эҳтиёт бўл — қўшингни ўғри тутма», дегувчилар кўп топилади. Бир томондан бу сўзларнинг тагида фойдали маъно кўп. Эҳтиёткорлик дегани — огоҳ бўлиш демокдир.

... «Сумкамда атиги 3.500 сўм пул қолган, рўзгоримга, болаларимга нима харид қилсам экан?» уй-ҳаёлларга ботиб автобусда кетаётган Маъсума опа, шу дақиқаларда ўша бор 3.500 сўм пулдан ҳам айрилаётганини ўйлабди дейсизми?! Бироқ унинг бахтига шу атрофда олинган чўнтаккесарнинг хатти-ҳаракатини кузатиб юрган милиция ходимлари мушқулни энгиллаштиришди. Бу воқеа Маъсума опанинг ҳаётидаги биринчи ва охиригиси бўлсин. Ҳар қалай ҳушёрлик ва огоҳлик энди уни тарк этмас керак. Чўнтаккесар — ҳеч қаерда ишламайдиган А. Шавкатнинг армонлари эса бир дунё. Начора. Охири пушаймон — ўзингга душман.

Худди шундай аҳвол фақат автобусда эмас, балки Тошкент шаҳрининг «Кўйлик» бозори худудида, пойтахт корхоналарининг бирида ишловчи А. Юсуф ҳам тушиб қолди. Унинг чўнтагидан 5000 сўм пулни уздабуронлик билан ўзлаштираётган, ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Шўхрат милиция

ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ҳаммамизга маълумки бугунги кунда Республика Президентининг Фармони мувофиқ паспорт тизimini такомиллаштириш бўйича барча жойларда фуқароликни белгиловчи ҳужжатларни, уй-жой масалаларига тааллуқли бўлган ҳужжатларни текшириш ишлари қонунга қаттиқ амал қилган ҳолда ички ишлар идоралари ходимлари ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш идоралари вакил-

ҳамма ҳам «ҳазм» қила олмаслиги мумкин. Бектемир туманида жойлашган хўнадонларнинг бирига ҳеч қаерда ишламайдиган, бунинг устига муқаддам судланиб, ўзига ҳеч бир хулоса чиқара олмаган Ширин исмли аёл яширин ҳолда кириб, у ердан ҳар хил «дидага мос» буюмларни угирлаб кетган. Ушбу угирликни содир этган исми ҳаракатига мос бўлмаган аёлни милиция ходимлари ашъвий далиллар билан қўлга олишди.

Бугунги кунда Республика-миз худудида истиқомат қилаётган шахсларнинг ёнидан, яшаб турган хонадонларидан турли ҳил ясама қурол мосламалари, жанговар қуроллар борлиги аниқланиб, топиб олинаётганлиги ички ишлар идоралари ходимларини қаттиқ ташвишга солмоқда. Уларнинг олдини олиш ва қарши кураш мақсадида танимсиз турли тезкор тадбирлар олиб борилмоқда. Қуролланган кимсалардан бири — Миробод туманида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Вадим исмли шахснинг уйида тинтув ўтказилганида у ердан «Макаров» русумли түп-пончаси ўқлари билан топиб олинди. Ҳозир Вадим жиноий жавобгарликка тортилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб — «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшингни ўғри тутма» деган мақолга қўшимча — «Ўзингни тийиб юр, ўзгадан упкалама» дегинг ҳам келади...

Юлдуз АШИРОВА, милиция катта лейтенанти

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

лари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Ана шундай тадбирларнинг бирида яъни Акмал Икромов туманида милиция ходимлари томонидан О. Зудина деган аёлнинг уйдан 34.000 сўм пулини ва фотоаппаратини угирлаганлиқда шубҳа қилиниб, қидирувда бўлган, ҳеч қаерда ишламайдиган ва икки марта судланган, яшаш жойи номаълум К. Федоров исмли шахс қўлга олинди. Угирланган фотоаппарат ашъвий далил сифатида олинди.

«Фалончининг уйини ўғри урибди» — дейишса беихтиёр кўз унгимизга эркак киши келади. Аммо тунги пайт, ҳамма уй-юмушларидан чарчаб, толиққан ва ширин уйқуда ётган ҳамюртларимизнинг хонадонларини аёл киши тинтиб кетса буни

ган ўт учирини қисмида қоровул бошлиғи вази-фасида хизмат қилди.

У оиласида ҳам севи-мили ёр, меҳрибон ота эди. Опаларини яхши кўрар, дам олиш кунлари албатта ҳар бир опасининг уйида бўлиб, ҳол-аҳвол сураб турарди.

Уша мудҳиш воқеа со-дир бўлган 1997 йилнинг 22 ноябрь кун Муродул-ла хизмат вази-фасида зийрак турарди. Куз фас-ли булишига қарамай со-вуқ анча эрта тушганди. Ана шу кунларда гира-ши-ра тонг отаётган пайтда шаҳарда яшовчи бир ёл-гиз онахоннинг хонадо-ни-да ёнгин содир булган-ли-ги ҳақида қисмга хабар келди. Муродул-ла дарҳол ҳамкасблари Шукрулло Меликов ва Бадриддин Чиникуловлар билан ёр-

дамга отланди. Минг афсуски, Муродул-ла ва унинг ҳамкасб-лари учун бу сўнги са-фар эканлиги ҳеч кимни-нг ҳаёлига келмади. Улар ўз хизмат вази-фаларини уташ чоғида фожиали ҳа-лок бўлдилар...

Муродул-ла Бобоев хушчақчақ, одамохун, кам-тар, мард ва покиза йи-гит эди. Шафқатсиз ўлим уни 33 ёшида орамиздан олиб кетди. Биз Муродул-ла ўқиган мактабда бул-ганимизда унинг ўқитув-чилари кузларида ёш би-лан ёдга олдилар. Мак-табда Хотира бурчаги ташкил этилган. Бу ердан марҳум ички хизмат ка-питанининг мактабда ўқиган йиллари ҳақда ҳикоя қи-лувчи лавҳалар, сурати урин олган.

Матлуба САИДАҲМЕДОВА.

СУРАТИ ХОТИРА БУРЧАГИГА ҚЎЙИЛГАН

...Муродул-ла яшаган хонадонга келиб, оила аъзолари билан учрашишга анчагача журъат топа олмадим. Чунки тирналган юрак ярасини янгилаш жуда оғир эди. Ун гулидан бир гули очилмай хазон бўлган йигит хоти-раси ҳақиқ-хурмати Муродул-ла яшаган хонадонга бордим. Остонада йигир-ма беш ёшлардаги жувон кўринди. Муродул-ланинг турмуш уртоғи аста ичка-рига бошлади. Хонада 70-75 ёшлардаги кекса она деворда осиглиқ турган суратга тикилиб ётарди.

Кайнонам, — деди танийиб олганимдан сўнг Гулчехра. — Раҳматли

эрим ҳалок булганидан буён урниларидан тура олмайдилар.

Хонани кўздан кечира-ман. Турда Муродул-ланинг куввлик тунни, дуплиси, шоҳи белбоғи. Унг девор-да эса унинг ҳали ҳеч қае-рига гард юкмаган оппоқ куйлаги, милиция хизма-тидаги кийими, шапкаси илинган.

Шу пайт хонага Муродул-ланинг кекса опалари, сингиллари, уч фарзанд-лари кириб келишди.

— Ёлғиз ўғлим хотира-си ҳурмати келибсиз, раҳ-мат қизим, — армон би-лан гапирди Муродул-ланинг отаси Норбек бобо. — Начора, тақдир экан,

ёш кетди болам. Ўша кун-ни у ишга кетаётиб мен ва онаси билан жуда бош-қача хайрлашди. Ишга ке-чикаяпман, деб хотини узатган бир пивла чойни яримлади, холос.

Норбек бобонинг кўз-ларидан оқаётган ёшлар-ни куриб, у кишига нима деб таскин беришни ҳам билмайман. Ҳеч ким ёл-гиз ўғлидан айрилмасин, вай болам, демасин экан.

Муродул-ла урта мак-табни 1982 йилда аъло баҳолар билан тамомлаб, шаҳардаги ҳайдовчилар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Бир йилдан сўнг армия сафида хизмат қилди. Сўнгра шаҳардаги



6-маҳсус ҳарбийлашти-рилган ўт учирини қисми-да хизмат қилди. 1988 йилда эса Тошкентдаги ўт учирини билим юртига ўқишга кириб, уни муваф-фақиятли тугатди. Ўша йили Қушработ тумани ўт учирини қисмида ишлади. 1991 йилдан бошлаб Са-марқанд вилоятининг Кат-тақургон шаҳридаги 6-маҳсус ҳарбийлаштирил-

Юртимизда 16 февраль воқеалари барчанинг қалбини ларзага солди. Бу ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга бундан кейин огоҳ ва хушёр бўлишга, баланд қаватли уйда яшаймизми, маҳалладами бир-биримиздан хабардор бўлиб туриш масъулияти кучайди. Шу уринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида кундалик ишмизга катта ўзгаришлар киритдик ва аниқ вази-фалар белгилаб олинди. Туман фаоллар йиғилишида барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳалла оқсоқоллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, тиббиёт ва халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимларида ушбу қарорнинг ижроси кенг муҳокама этилди. Жойларда тартиб ва интизомнинг талаб даражасида бўлиши ҳамда жойларда қарор ижросини таъминлаш мақсадида 6 банддан иборат иш режаси тузиб олдик. Мана шу режа кунда амалга оширилиб, унинг тафсилоти туман ҳокимлиги ва прокуратура ходимлари билан куриб чиқилмоқда.

Туманимизда 1082 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларда 60083 та хонадон, шунингдек, 16106

Миллий паспортимиз — гуруримиз

та хусусий ер участкалари мавжуд. Булардан ташқари, уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасыга қарашли 767 та баланд қаватли уйлар бўлиб, уларда 38785 та хонадон ўрин олган. «Тошқишлоқмаш», «ТошОР», «Тошкент темир йўллари» акциядорлик жамиятларига қарашли уй-

қилиниб, улар билан суҳбат ўтказилди ва юқоридики этилган қарорнинг моҳияти тушунтирилди.

Текширув бошлангунга қадар 26 фуқаро томонидан уйларини ижарага берганлик юзасидан туман давлат солиқ инспекцияси билан ижара шартномалари тузилган бўлса, ҳозирги кунга келиб 205 та ижара шартномалари имзоланди ва 705400 минг сум миқдорда солиқ ундирилди. Текширув жараёнида 31 нафар фуқаро солиқ идоралари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Паспорт режимига зид равишда иш тутган, руйхатда қайд этилмаган, иш жойи тайинсиз, доимий яшаш жойи аниқ бўлмаган, шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, ҳужжати бор, лекин мақсадсиз юрган фуқароларга нисбатан ички ишлар идоралари томонидан муайян чоратадбирлар курилмоқда.

Ҳозирда паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар давом эттирилмоқда.

Азиз ХУДОЙКУЛОВ,
Тошкент шаҳар
Ҳамза тумани
прокурори.

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ТИЗИМ

лар ва ётоқхоналар ҳам мавжуд. Мана шу уйларнинг барчасини текшириб, назоратдан ўтказиш мақсадида 46 та гуруҳ тузилди. Бу гуруҳлар таркибига фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, уй-жойлардан коммунал фойдаланиш бошқармасы, ижара корхонаси ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари аъзолари, уй бошлиқлари, ички ишлар бўлимининг участка вакиллари киритилди. Утган қисқа вақт ичида 156 та буш ётган хонадонлар мавжудлиги маълум бўлди. 51 та хонадон эса мутлақо эгасиз бўлиб чиқди. Бу ҳақда туман судига даъво аризаси киритилди ва улар қаноатлантирилди.

Бўш ётган хонадонларнинг эгалари туман прокуратурасига таклиф

ХИЁНАТ ЭМАСМИ?

Бу сўзнинг эшитилиши анча хунук. Аммо, баъзида ёнверимизда, ана шу мудҳишлик содир бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Шу йилнинг апрель ойи охирида «Самарқанд» автобус шохбекатида бир воқеа юз берди. «Икарус-225» русумли автобус ҳайдовчиси Г. Х. Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи, йўловчи, «Акватита» до-

рихонасининг таъминотчиси К. Ш. га тегишли бўлган икки сумкани ўғирлайди. Аввалига онту қасамлар ичган бу кимсанинг гапларига ишонмасликнинг иложи йўқ эди. Бироқ, ўғирлик исботлангач, унинг аниқ қиёфаси ошкор бўлди-қолди. У фуқаро К. Ш.га тегишли 130 минг сумлик молни ўғирлаганди. Яккасарой тумани ички

ишлар бўлими ходимлари ўтказган тадбир натижасида ўғри ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Бизни бир нарса ўйлантиради. Нима учун ҳайдовчи йўловчилар молига хиёнат қилишдан ўзини тия олмади? Ахир, у йўловчиларнинг энг ишончли кишиси бўлиши керак-ку. Афсус, унинг жигилдони одамларнинг ишончини ҳам аллақачон ўз домига тортиб бўлган экан...

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

«О!» ХАБАР ҚИЛАДИ

Жондор тумани, Охшиқ қишлоғида яшовчи М. Ҳожиёв носоз плитадан чиқиб газ йиғилиб қолган уйда электр чирогини ёққан. Натижада газ чақнаб кетиб ўзи ва 4 яшар ўғилчиси 35—40 фоиздан кўйиш тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилган. Алангадан унинг том қисми, шифти ва баъзи жиҳозлари ёнган.

Фарғона шаҳар Қосимов кўчаси 139-уйда жойлашган Ипакчилик ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг қоровулхонасида газ миқдорини ҳисоблаш қурилмасини таъмирлаш вақтида газ чақнаб кетиб ёнган содир бўлган. Натижада таъмирловчи чилангарлар Х. Қодиров, О. Умаров ҳамда қоровул А. Эргашевлар боши, юзи ва қўли куйиш тан жароҳати олган.

Навбахор тумани Навойи номи жамоа ҳўжалигида яшовчи М. Бурунов қозонда ёғни қиздираётган пайтда ёғ алангаланиб кет-

ган. Уни-учиришда шошиб қолган Бурунова ёнган хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасдан 20 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

Янгикўрган шаҳар Набиев кўчаси 36-уйда электр симларининг қисқа туташуви ёнган содир бўлишига сабаб бўлиб, унинг томи ёниб, хонадон соҳибига Ё. Қодировга 90.00 сумдан ортиқ моддий зарар етказган.

Элликқалъа туманида жойлашган 20-автосарой худудидаги ёқилги шохбекатида носозликларни таъмирлаш вақтида сигимдаги нефть қолдиғи чақнаб 3 киши, яъни корхона раҳбари В. Ҳасанов, таъмирловчи Қ. Бекжонов ва устахона мудир Ф. Алимовларнинг анча жиддий тарзда куйиш тан жароҳатлари олишига сабаб бўлган. Қўллари, кўкраги, юзи, бўйни ва оёқларининг тиззаларига куйган жабрланувчилар тезда касалхонага ётқизилган.

Катталар назаридан қолган ёш болаларнинг гурутни уйинчоқ билиб, олов уйнашлари Сайхунбод тумани Т. Ғуломов номи жамоа ҳўжалигида яшовчи Н. Мирзаабдуллаеванинг бостирма ва молхонасида ёнган содир бўлишига, бунинг оқибатида 25.000 сумдан зиёдроқ моддий зарар куришларига сабаб бўлган.

Акмал Икромов тумани 8-Мирхунд тор кўчаси, 60/2 уйда яшовчи А. Холматов хонадонидан газ плитасига қиздириш учун куйилган ҳамда назоратсиз қолдирилган қозондаги ёғ алангаланиб кетиб ёнган содир бўлган. Ёнган натижасида унинг шифти, томи ва жиҳозлари ёниб қушни 60/1 Ф. Камоловнинг хонадонига ўтиб кетган. Унда унинг томи ёниб, ҳар иккала хонадонга катта миқдорда моддий зарар етказилган.

Рамзиддин АСЛОНОВ,
ички хизмат
лейтенанти.

БУНДАЙЛАРНИ ШУМҚАДАМ ДЕЙДИЛАР

Озарбайжонлик Ибрагим кўзини жарроҳлик йўли билан даволатиш учун энг арзон ва қулай жой Ўзбекистон эканлигини эшитиб, Тошкентга учди. Кишилар ишончига тезда кириб олиш санъатини маҳорат билан ижро этиб, танишлар орттирди ва Оқтепа даҳасидан квартира топди. Қўни-қўшнилари, узоқ юртдан келган меҳмонга ҳайрихоҳлик кўрсатишди. Ибрагим ўзини худди ўз уйидай ҳис эта бошлади. Кўзини даволатиб бўлгач, каттароқ пул ишлаб, кейин кетишни мўлжаллади. Аввалига Қўйлиқ бозорида арава тортиб пул ишлай бошлади. Бироқ топган пули, овқатланишу, айшу ишратга аранг етарди. Қўйлиқда ёмғирдан қочиб отарава тагида ётаркан бой бўлишнинг турли йўллари уйлай бошлади ва миясига келган фикрдан ўзи ҳам қувониб кетди.

Эртасига бозордан топиб олган усти қизил аллақандай ҳужжатни ёнига солиб, туз ичган ери Оқтепага йўл олди. У яшаган квартиранинг рўпасида чол-кампири Сировлар истиқомат қилишарди. Ўзига туқ, хатто айримларга қарз бериб ҳожат чиқарадиган бу кексалар ҳақида бироз биларди.

— Мен шаҳар милиция бошқармасининг коррупция, рэкетчиларни ушлаш бўлимиданман, — деди ўзини таништириб, — аҳолидан шикоят тушди. Доллар алмаштирар экансизлар. Айримларга пулни нотўғри бериб, қалбаки доллар бераркансизлар.

Миша амаки (қўшнилари Сиров Михаилни шундай қақирини) қонун, қоида бўйича бу сохта капитанга тушунтириш хати ёзиб берди. Бироқ, долларларни унинг қўлига тутқазмади. Ибрагим пишган узумга сакраб етолмаган тулкидай, ортига қайтди. Лекин, унинг хаёлидан Сировлар хо-

надонини «тозалаш» фикри кетмади. Уйлаб-уйлаб, Қўйлиқдаги «ҳамкасб» аравакаш Абдусалом Абдумажидовни шерикликка олди, уларнинг ёнига вояга етмаган Жойхун Ризаев ҳам қўшилди.

Пухта режа тузиб, яхши тайёрланган ҳамтовоқлар ярим тунда Оқтепага келишди. Тонг саҳарга яқин балкон панжарасини қирқиб, эшик зулфини бузишди.

— Миша, уйда кимдир юрибди, — деди тақир-туқурдан уйғонган Илина.

Чол-кампири чала уйқуда эшикка йўналишди. Шу ерда уларнинг бошига оғир темир урилди. Абдусалом қўлидаги темирни улоқтириб, ортидаги Ибрагим ва Жойхунга йўл берди. Уч талончи бир пасда уйни алғов-далғов қилишди ва уч минг АҚШ доллари, яна тилла тақинчоқларни олиб, гойиб бўлишди.

Қўни-қўшнилари бироз кечикиб бўлса-да, Миша амакининг уйидаги аҳволдан хабар топиб, милицияга қўнғироқ қилдилар.

Туман ИИБ ТБ бошлиғи, милиция подполковниги Баҳром Исмоилов бошчилигида тузилган тезкор гуруҳ фурсатни ўтказмай ишга киришди. Суриштирув, қидирув бошланди. Қўшнилардан айримлари ярим тунда уй атрофида юрган бегона кишиларнинг қиёфасини тасвирладилар. Булар орасида бир кўзи ожиз Ибрагим ҳам борлиги маълум бўлди. ЖҚБ ходимлари А. Саматов, Н. Раҳмонов, терговчилар А. Сотволдиев, Ҳ. Қодировларнинг хушёрлик ва тезкор олиб борган ҳаракатлари туфайли Ибрагим Шукуров, Абдусалом Абдумажидовлар қўлга олинди.

Мурод ШУЙБЕКОВ,
Шайхонтохур туман ИИБ
терговчиси,
милиция катта лейтенанти.

«Эл-юрт осойишталиги ҳимоясида» танловига

УЧ ҚАХРАМОН ҲАЙКАЛИ ЁНИДА

Фасллар алмашар қувиб бир-бирин,
Умр ҳам ўтмоқда сувдайин оқиб,
Фақат ДАН масканида учта қахрамон,
Ҳамон мағрур турар ҳар ёнга боқиб.

Бирингиз Маткарим, бирингиз Олим,
Ватанини севган жони фидосиз.
Бирингиз биз севган, қардош атаган,
Озор элин алп ўғлони — Мусосиз.

Адолат йўлини тутган йигитлар,
Сиз ўша ўторак Тўйчи, Широқсиз.
Садоқат қўлини тутган йигитлар,
Халқим деганларга доим байроқсиз.

Қошингизда тўхтаб ўйга толаман,
Қалбимни ларзага солар ҳаяжон.
Ўзгалар бахти-чун жондан-да кечиб,
Яхшилар қалбидан қолдингиз ҳамон.

Сиз борсиз баҳорнинг илк чечагида,
Сиз борсиз гўдаклар қийқириғида,
Бир ажиб куй бўлиб мардлар кўнглида,
Яшайсиз момолар эртақларида.

Сизнинг қўлингизда бўлолмадик деб,
Пойингизга тўшалган гуллар йиғласин...

Нигматилла ПЎЛАТОВ.

ОЛАМ-ОЛАМ ТААССУРОТ

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасы раҳбарияти ташаббуси билан узоқ йиллардан буён ички ишлар идораларида хизмат қилаётган меҳнат фахрийлари ва жиноятчиликни олдини олишда намуна қўрсатаётган бир гуруҳ ходимлар Самарқанд вилоятидаги ҳадис илмининг султони Имом Бухорий мақбарасини кўҳна ва навқирон шаҳардаги тарихий обидаларни зиёрат қилиб қайтдилар. Неча асрлардан буён бутун дунёни лол қолдириб келаётган Гури Амир, Бибиҳоним мадрасаси, Тиллақори ва Регистон майдонидаги узоқ утмишимиз сайқалланган бой маданий меросимиз намуналаридан олам-олам таассурот олдилар.

ТЕЛЕШОУ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасы ходимлари ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда маърифий-маънавий дунёқарашини юксалтириш борасида самарали тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда тайёрланган ва яқинда намойиш этилган «Келин-куёв» шоу-дастури бунинг ёрқин мисолидир. «Келин-куёв» кўрсатувида вилоят ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлар оилалари билан иштирок этдилар. Қизиқарли савол-жавоб ва узаро беллашувлар, севимли қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг ичакузди аскиялари барчада олам-олам таассурот қолдирди. Вилоят ички ишлар бошқармасы ҳомийлик қилган бу кўрсатув сўнггида хотин-қизлар кенгашининг раиси, милиция майори Д. Газбаева вилоят ички ишлар бошқармасы раҳбарияти, шахсий таркиби ва хотин-қизлар кенгаши номидан уйин иштирокчиларига қимматбахо совғалар, шунингдек курсатувнинг бошловчиси Соат Шариповга, қизиқчи Ҳожибой Тожибоевга ва Ўзбекистон телевидениеси музейига эсдалик совғаларини топширди.

М. СУЛТОНОВА.

Муҳокама учун мавзу

ТААЖЖУБ ҲАНГОМАЛАР

Трамвайдан тушиб метронинг Буюк ипак йули бекатиға кириш учун аввал ер ости йулиға ўтилади. Дастлаб бу ерга тушган киши ўзини худди бозор уртасиға кириб қолгандай сезади. Қатор-қатор дукончаларда озик-овқат, саноат моллари, видеокассетадан тортиб беҳаёликни тарғиб қилувчи китобларгача, расмларгача бор. Ҳатто озгина одамлардан холи жойда редиска, кўкатлар сотаётган аёл ҳам жой олган.

Бу ерда одамлар доимо гавжум. Кимдир метроға киришга шошилади, яна кимдир ташқарига юради. Бир оз туриб, бу ердаги манзарани кузатсангиз, худди ини бузилган чумолиларни эслатади.

Икки қўлида катта сумка кўтарган аёл қаршидан кела бошлади. Йул торлигидан унинг ёнидан одамлар аранг ўтишяпти. Сумкасини орқасиға осиб олган мактаб ўқувчиси шошиб ўтаётди аёлнинг сумкасиға тегиб кетди. Аёл нимадир деб гудирлади. Унинг гапидан чуқиб ўзини четга олган бола бориб дукончанинг пештахтасиға урилди ва орқасидаги сумкаси билан пештахта устиға тегиб қўйилган конфетларни туртиб юборди. Қошини чимириб турган сотувчи болани бир туртиб:

— Конфетларни эзиб юбординг-ку, нега пештахтаға ёпишасан, — дея бақирди.

Бу орада секин одимлаётган бир кексароқ аёл дам олиш учунми, ҳар қалай бироз тўхтаганид,

гавдали киши ёнидан ўтман деб, секин туртиб юборди. Аёл бечора зур бериб, иссиқ пирожкасини мақтаётган йигитга урилиб, қўлидаги патнисни тушириб юборди. Онаси тенги аёлни ҳақоратлашга ботинолмаган йигит, нималардир дея гудурлаб тез-тез тўкилган пирожкаларни йиғиштириб, нари кетди-да, яна сота бошлади. Қаердан-дир пайдо бўлган бир аёл ўнтача лимон солинган халтачани қўлиға олиб, ўтаётган кишиларға қараб:

— Лимон олинг, сувини сиқиб ичсангиз «давлениянгиз» тушади, — дея мурожаат эта бошлади.

Бир қўлида ҳасса билан аранг келаётган киши тажанглик билан:

— Шу тор жойға сен



камлик қилаётувдинг, — деб утиб кетди.

— Ҳар куни шу азоб, дуконларға нима бор эди, шундоқ ҳам тор йулда, — деди боласини қўлидан ушлаб олган аёл.

Дарҳақиқат, одамлар сувдай оқадиган ер ости йўлларидаги дуконлар кўпчилигининг гашини келтиряпти. Аввало бу йўл-

лар кишиларға қулайлик яратиш, турли хил автохалокатларнинг олдини олиш мақсадида қурилган. Бироқ, кейинги пайтларда бу ер ости йўлларида икки томонида дуконлар пайдо бўлди. Шундоқ ҳам тор йул яна тораиди. Бу дуконларда санитария, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя

этиляпти деб бўлмайди. Яна бир томони, фавкуллода ҳодисалар рўй берса одамлар хавфсизлигини тездан таъминлашиға ким кафолат беради? Мутасадди ташкилотлар, раҳбарлар масаланинг бу томонини чуқурроқ ўйлаб курсалар, фойдадан холи бўлмасди.

С.ШАМСИДИНОВ.

АЗИЗИМНИ ЁД ЭТИБ...

Одам Ато, бобожоним,
Момо Ҳаво, моможоним,
Қодир эгам, меҳрибоним,
Ёшин яшаб ўтсин одам!

(М. Тоиров)

Ўша куни ҳар кунгидан кўра бошқача эдингиз, жудаям хурсанд ҳолда қизларингиз билан эрталабдан ўйнаб туриб, «Ойижониси, бугун тўйимизга беш йил бўлди. Бугун менинг дам олиш куним. Сизларни бир меҳмон қилай, деб бизни қаҳвахонаға олиб бордингиз. Мазза қилиб ўтирдик. Шунда сиз: «Эҳ, шундан ҳам ортиқ бахт борми, оиланг, фарзандларинг даврасида мазза қилиб дам олиш!» деган эдингиз. Ҳа, азизим, ўша вақтларда дунёда биздан ортиқ бахтли инсонлар йўқ эди. Шундай вақтларда доим сиз бир иборани такрорлар эдингиз: «Сизлар учун жонимни ҳам беришга тайёрман!».

Нега, нега доим шу гапларни қайтарар эдингиз? Бизга сизнинг ўзингиз қанчалик керак эканингизни билсангиз эди...

Ўша куни мени мажбурлаб, «Ойиси, шу яхши кунларимиздан шу суратлар қолади», дея суратга тушди... Юрагингиз сезганмиди — кичик қизим билан ҳеч бўлмаса бир донагина сурат қолсин деганмидингиз?..

Адаси, сиз билан ўтган охири кунларимизни ўйлаб, додлаб юборишдан аранг ўзимни тутаман, шу куни иккала қизингиз билан шундай ўйнаган

эдингизки, «Сизларни ҳеч ташлаб кетгим келмаяпти», деб хаёлга чўмиб қолгандингиз.

23 сентябрь куни сизни ишға кузатиб қолаётдиб, «Адаси, ўзингизни асранг, ҳали бизга кўп керак бўласиз» дедим-у, хаёлимда худди сизни қайтиб кўрмайдигандек бўлиб кетдим. Ўзимнинг хаёлимға келган бу совуқ фикрдан этларим жунжикиб кетди-да, беихтиёр «Эй, худойим, ўзинг асрагин», деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Шунда ҳар доимги одатингиздай ҳазил қилиб, «Кўнглингиз тўқ бўлсин, учтўрттасиға ўзим бас келаман, бешинчиси чиқиб қолса, оёқларим бақувват — қочиб кетишға улгураман», деб мени тинчлантирддингиз.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими Ўқтам Исмамович Раҳматов ишға ҳар доимгидай кўтаринки кайфиятда эмас, балки бироз хомушроқ кириб келди. Ҳамкасблари олдида ҳар доимги одатини қанда қилмай, ўзини мажбурлаб, ҳазил-мутуйиба қилдию, сеvimли жойи бўлмиш стадионда машқ қила бошлади.

Шунда юқоридан буйруқ бўлгани — Бўстонлиқ туманида

хавфли қуролланган жиноятчи қўлга олинishi керак деган буйруқни эшитиб, биринчилар қаторида қўл остидаги ходимлардан олтига йигитни олиб, йўлга чиқди.

1998 йил 26 сентябрь куни Тошкент вилояти ИИБ бошлигининг фармойишиға асосан, Тошкент вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор таъсир кўрсатиш бўлинмасининг ходимлари ва Бўстонлиқ тумани ИИБ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ тузилди.

Олинган тезкор хабарлар асосида оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ва қидирувда бўлган Ф. Мирпиев Сойлик қишлоғи олдида ўзининг фермасида яшириниб юрганлиги, ушбу ферма ялангликда жойлашганлиги сабабли, ҳар сафар беғона шахслар яқинлашиб келаётганликларини кўриб, тайёр эгарланган ҳолда турган отида тоққа қараб қочиб кетаётганлиги маълум бўлди.

1998 йил 26 сентябрь куни соат 14.30 ларда тезкор гуруҳ ходимлари Тошлоқсой яқинида жойлашган Ф. Мирпиевнинг фермасиға пинҳона яқинлашиб, уни ушлаш чорасини кўраётганларида жиноятчи Ф. Мирпиев (кейинчалик аниқланишича) 5,6 мм кичик калибрли ТОЗ-8 рақамли қирқма милтиқдан милиция ходимлари-

ға қаратиб отиб, қочишға ҳаракат қилган. Ўз навбатида тезкор гуруҳ ходимлари томонидан вазият тўғри баҳоланиб, Ф. Мирпиевнинг қочиб кетишиға йўл қўйилмасдан қуршаб олинган.

Ф. Мирпиев томонидан (отилган) ўқотар қуроли ишлатилиши натижасида учта милиция ходими яраланган, жумладан Бўстонлиқ тумани ИИБ Бурчмулла кўргони милиция бўлинмаси бошлиги, милиция капитани Ш. М. Ашурметовнинг ўнг оёғиға ўқ теккан, шу туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, милиция лейтенанти К. М. Халилов елкасининг чап курак қисмидан яраланган, ҳамда Тошкент вилояти ИИБ ЖТСХ ходими, милиция старшинаси Ўқтам Исмамович Раҳматовнинг бош қисми ўқотари қуролдан яраланиши, бош миянинг лат ейиши ташхислари билан 29 сентябрь куни вафот этган...

Ўқтам Раҳматов шундай жиддий топшириқ билан кетаётганда ҳам атрофидаги ўртоқларининг кўнглини кўтариш мақсадида ҳазиллашиб кетди. Лекин ёнида бирга бораётган шеригиға, агар менга бирор нарса бўлса, оилам ва қизларимдан хабар олиб туришлар, деган васиятомуз гапни айтдилар. Ўқ-

там Раҳматов шундай — ўлимға тик бораётганини сезсада, ортга чекинишға ҳеч йўл йўқ дер эди. Инсон қиёфасидан чиқиб кетган шундай ваҳший махлуқ қуршаб олинди, уни чалғитиш мақсадида олдинда бораётган Ўқтам Раҳматов бошидан яраланиб йиқилди, шунда бир қалқиб, охириги сўзларини айтмоқчи бўлди-ю, аммо айта олмай кетди...

Ўшанда нима демоқчи бўлгандингиз? «Оҳ!» деб йиқилганда кўз олдингизда эндигина тўрт ёшға кирган Мафтуна-ю, тўрт ойлик гўдагингиз менсиз нима қилади деган ўй ўтдимми ёки кўлида гўдаги билан сизни жонидан ортиқ кўрувчи аёлим аро йўлда қолдимми деган ўй ўтдимми?! Оқ сутига кўшиб, жонини берган онам фарзанд доғиға қандай чидайди деган ўй билан жондан азиз бўлган яқинларингиздан воз кечолмай уч кун ётдингиз. Лекин Оллоҳнинг иродаси кучли келди...

Сиз фақат менгагина ва фарзандларингизға кераксиз десам, Оллоҳға ҳам керак экансиз, сизни фақат мен соғинаман десам, совуқ тупроқ ҳам сизни соғиниб қолган экан.

29 сентябрь кунги бу мудҳиш айрилиқ менинг хаёлимни алғов-далғов қилиб юборди.

Армонларим
рўёбға чиқмас

Орзуларим
ушалмас энди
Қалбим бўм-бўш,
Юракда эса...

Ҳа, юракда эса сиз беш йил ичида берган чексиз меҳр билан бирга аламли фарёд қолди. Бу фарёд тилға чикса, эриманган темирни эритиб, ёрилмаган тошни ёриб юборади. Лекин аёл кишининг бардоши шу қадар кучли бўлар эканки, шу қадар оғир юкни кўтаришға қурби етар эканки...

Икки ёнимда икки гўдагим билан ўтирар эканман, ҳар икковининг кўзларида, юриш-туришида сизни кўраман. Шу билан бирга сиздан ёдгор бўлиб қолган суратлару, ёзиб қолдирилган хотиралар менинг энг яқин сирдошимға айланди. Мана, орадан етти ой ўтиб, кичик қизингиз ҳам анча катта бўлиб қолди. Адажониси, сизнинг тўрт ойгина берган меҳрингизми ёки Оллоҳнинг иродасими, қизингизнинг тили дада деб чиқди, шу вақтларда мен қанчалик эзилишим фақат ўзимғагина аён. Эй, золим фалак, нега менинг фарзандларимни ота меҳридан бебахра қолдирдинг, нега, нега...

Шунда кўз олдимға сиз келасиз. Юракдан қуйидаги мисралар қуйилиб келади:

Армоним йўллари
Узун бўлди-ей
Худойим, берганинг
Не кун бўлди-ей
Юрагим ёндириб,
Лахча чўғ қолди.
Отасин билмайин
Гўдагим қолди.
Оллоҳдан сўрайман
Ўзимға сабр,
Азизим, сизға-чи
Жаннати қабр!

Маҳфуза
ХОЛИҚОВА.

АЗИЗНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ Янгийул шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасида вояга етмаган ўғил бола ушлаб турилибди. Суҳбат чоғида у ўзини **Азиз Номозов** деб таништирди. 1987 йилда туғилган, ота-онаси қаердалигини билмайди.

Белгилари: бўйи 140-145 см, кўзи қора, қулоқлари ўртача, қоши ёйсимон. Алоҳида белгилари йўқ.

Кийимлари: эгнига оқ-қизил жемпер, қизил катакли кўйлак, қора шалвор, кўк шим, оёғига пайпоқ кийган.

Азиз Номозовнинг ота-онаси ёки яқинлари бўлса, Янгийул шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига мурожаат қилишларини сўраймиз.



БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

Тўрткўл туман ИИБ томонидан бедарак йўқолган куйидаги шахслар қидирилмоқда.

Жумабоев Рустам Розимович, 1978 йилда Тўрткўл шаҳрида туғилган, миллати қозоқ. Тўрткўл шаҳар, "Тўрткўл" кўчаси, 27-уйида яшаган. 1997 йил 8 июль куни Тўрткўл тиббиёт билим юртига бориб келаман, деб уйдан чиқиб кетганича келмаган.



Нурунбетов Бахтиёр Худойбергано-вич, 1973 йилда туғилган, Тўрткўл тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалигининг 7-бригадасида яшаган, миллати ўзбек. 1997 йил 9 декабрь куни уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаган.



Алоҳида белгилари: туғма руҳий хаста, юқори жағ қисмидаги 2 та тиши йўқ.

Юлдашев Илҳом, 1981 йил Тўрткўл шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Тўрткўл шаҳар Дмитров кўчаси, 13-уйида яшаган. 1997 йил 2 декабрь куни харажат қилиб келаман деб, бозорга кетганича қайтиб келмаган.



Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган-билганлар яқин ўртадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

MUNAJJIMLAR BASHORATI
10 - 16 may

ҚҲҲ (21 март - 20 апрель)

Ҳафтанинг бошида ҳар қандай қийин ишни бемалол уддалайсиз. Пайшанба куни олисдан хушxabар кутилмоқда. Дам олиш кунлари тигиз иш ва ташвишлар билан ўтади. Шанба куни яхши харид қиласиз.

СИГИР (21 апрель - 21 май)

Душанба ва пайшанба кунлари ижодий маҳоратингизни намойиш этишингизга тўғри келади. Сешанба, жума кунлари эса шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этасиз. Шанба куни ажойиб саргузашт кутилмоқда. Яқшанбада бироз ишингиз юришмайди.

ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июнь)

Сешанба кунги ишбилармонлик музокаралари муваффақиятли яқунланади. Жума куни кутилмаган ҳам-ёнингизга пул тушиши оилангизга бир олам қувонч келтиради. Бироқ душанба, чоршанба ва жума кунлари бирорта кўнгилли воқеа рўй бермайди. Дам олиш кунларидан яқшанба омаддидир.

ҚИСКИЧБАҚА (22 июнь - 23 июль)

Соғлигингизни тиклашга душанба куни киришинг. Чоршанба ва пайшанба кунлари кўплаб қизиқарли маълумотлардан хабар топасиз. Шанба - ижод билан шуғулланиш учун қулай кун. Яқшанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

АРСЛОН (24 июль - 23 август)

Ушбу ҳафтада қувонч келтирувчи воқеалар деярли содир бўлмайди. Фақат сешанба кундаги ишбилармонлик учрашуви ҳамда жума куни кутилаётган хушxabар ёдингизда қолади. Лекин етти кун мобайнида ижтимоий аҳолингизни таҳлил қилиб олиш имконияти бор. Олдинда катта ўзгаришлар кутилаётганини унутманг.

БОШОҚ (24 август - 23 сентябрь)

Ҳафтанинг дастлабки кунлари эҳтиросларга бой. Бу дамларда ҳис-туйғулар оғушида бўласиз. Пайшанба куни анча вақтдан буён ўйлаб юрган режангиз амалга ошади. Дам олиш кунлари кутилаётган кўнгилли ҳордиқ руҳингизга тетиклик бахш этади.

ТАРОЗИ (24 сентябрь - 23 октябрь)

Сешанба куни дурустгина пул ишлаб оласиз. Чоршанба кундан пайшанбагача соғлигингизни тиклашга эътибор беринг ва кўнглингизга ёқмаган тadbирларда иштирок этманг. Шанба кунги ишбилармонлик музокаралари муваффақиятли яқунланади. Яқшанба куни вақтингизни яқин кишилар даврасида мазмунли ўтказишни маслаҳат берамиз.

ЧАЁН (24 октябрь - 22 ноябрь)

Душанба куни ажойиб инсон билан учрашув кутилмоқда. Касб маҳоратингизни сешанба ва пайшанба кунлари намойиш этасиз. Ҳафтанинг сўнгги кунлари хонадонингизда бўлганингиз маъқул.

ЕЙ (23 ноябрь - 21 декабрь)

Мазкур ҳафта хушxabар билан бошланади. Сешанба куни моддий ютуқ кутилмоқда. Жума куни ажойиб янгиликдан воқиф бўласиз. Шанба кунги танишув узоқ вақт ёдингизда қолади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь - 20 январь)

Ҳафта давомида олдингизга қўйилган мақсадингиз сари дадил олға борасиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари иш жойингизда муваффақият кутилмоқда. Қийинчиликларни енгиб, кўзлаган нарсангизни шанба куни қўлга киритасиз. Яқшанба куни табиат бағрига уюштирилган саёҳат фойдадан холи эмас.

ҚОВЕА (21 январь - 19 февраль)

Душанба кунга жисмоний куч талаб қилинадиган ишларни режалаштирманг, жароҳат олишингиз эҳтимоли бор. Чоршанба куни олисдаги дўстингиздан хабар топасиз. Дам олиш кунлари ижодий ютуқлар кутилмоқда.

БАЛИҚ (20 февраль - 20 март)

Сешанба ва чоршанба кунлари асабингизни кўп сарфлашингизга тўғри келади. Пайшанба куни касб маҳоратингиз ва ишга ўзига хос ёндошувингиз ниҳоят раҳбарлар томонидан муносиб баҳоланади. Дам олиш онлари қувноқ даврада кўнгилли ўтади.

Хотира ва Қадрлаш кунига

МУАММОНОМА

1	2	3	4	5	2	6	7	8	5	9	10	11	2				
12	9	13		2	14	2	5	9	15		16	7	13				
17	16	18		14	2	19	4	8	9		7	5	2	13	20	21	
				19	21	8	8	2	11	9		12	2	8	7	13	

Маънолари куйида баён этилган ўнта очкич сўзни топиб, уларни матнга шундай ёзиб чиқингки, ҳар қайси ҳарф бир хилдаги биттадан рақам остида бўлсин. Кейин шу ҳарфларни шакл хоналаридаги мос рақамлар тагига бирма-бир ёзиб чиқсангиз, муаммонома Шарқнинг улғу шоирларидан бири бўлиб Амир Хусрав Дехлавий қаламига мансуб ҳикматлардан бирини ўқийсиз.

- ОЧКИЧ:**
- "Ҳаёт қисқа, лекин 20, 21, 1, 10, 2, 4 мангу бўлиши мумкин" (Цицерон).
 - "13, 2, 10, 5, 8, 9, 12 майдониди бел синаш учун Жасур ўзбек халқининг ўғли отланди" (Ғафур Ғулум).
 - "Мерган овда билинар, 14, 7, 4, 9, 10 ёзда билинар" (мақол).
 - "Бермагил ёвузларга бир дақиқа хушнудлик, Гул Ватаннинг мард ўғли, кўкрагингни 6, 2, 8, 6, 7, 16 қил" (Ғайратий).

- "Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот, Ажаб 11, 2, 7, 5, 2, 4 эрур чикса яхшилик била от" (Алишер Навоий).
- "Тахсин айтай мен одамлар мардига, Мард ярайди доимо 17, 8 дардига" (Пўлат Мўмин).
- Инсон ҳақидаги ёдда, эсда қолган яхши таассурот - 19, 7, 4, 9, 10, 2.
- Ватан қахрамонлари, машхур кишилар хотирасини абадийлаштириш учун ўрнатилган тасвирий санъат асари - 1, 2, 15, 12, 2, 8.
- Бу дунёдан ўтган асл инсоннинг эзгу ишларини, Ватан, эл-юрт олдидаги хизматларини яна бир бор эслатиб ўтиш мақсадида ёзилган мақола - 3, 5, 16, 7, 13, 2.
- Ҳайкал, ёдгорлик пойига чуқур эҳтиром рамзи сифатида қўйиладиган хушбўй чечак - 18, 21, 8.

ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

- Кўзгу. 2. Зухра. 3. Лобар. 4. "Баҳор". 5. Сотти. 6. "Лағзи". 7. Ожиза. 8. "Жонон". 9. Кокил. 10. Сулув. 11. Адрас. 12. Ирода. 13. Раъно. 14. Олима. 15. Чаман. 16. Чевар. 17. Рохат. 18. Ойгул.

КРИПТОГРАММА
Очкич: 1. Ғилам. 2. Вафо. 3. Зиё. 4. Хадя. 5. Тўғри. 6. "Баёт".
Ибратли сўзлар: Ҳаё ва ифбат тарбияли аёлларга одат бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти

МАНЗИЛИМИЗ:
700029,
Тошкент,
Юнус Ражабий кўчаси, 1

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Бош муҳаррир Зокир АТАЕВ

Муҳаррир Эркин САТТОРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари в.б.)

Навбатчи:
С. ШАМСИДИНОВ.
Мусахҳиллар:
М. АКРОМОВА
Г. ХОЛИКОВА
Дизайнер:
А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ
Саҳифаловчи:
М. НАСРЕТДИНОВА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир - 139-70-40,
пейжер: (088) 15-55
Бош муҳаррир ўринбосари - .. 139-77-23,
пейжер: (088) 24-16
муҳбирлар бўлими 139-75-69.
Факс: 54-37-91.

Газета тарқатиш масалалари бўйича мурожаат учун:
тел.: 139-70-40,
факс: 54-37-91,
пейжер: (088) 36-97, 55-19.

Реклама бўлими:
пейжер: (088) 55-54, 55-19.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб - касса марказида:
21506000200447980001,
МФО 00014.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Кўлөзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00007.
Буортма Ғ - 0374.
Ҳажми - 4 босма табоқ.
Босилиш - офсет усулида.

Босишга топшириш вақти - 19.00.
Босишга топширилди - 18.00.

Обуна рақами - **180**

117 840 нусхада чоп этилди

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Қорхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси,
41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

«О.МАК.С» ФИРМАСИ

куйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

- 3 ойлик:**
- Инглиз тили (бошловчилар учун)
 - Инглиз тили (давом этувчилар учун)
 - Ҳисобчилар компьютер таълими билан бирга
 - Инглиз тили ва компьютер билимлари
 - Банк иши ва компьютер билимлари
- 2 ойлик:**
- Замонавий ҳисоб-китоб
 - TOEFL тестига тайёрлаш
 - Банк ишлари
 - Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS'95, MS OFFICE'97)
 - COREL DRAW 7

1 ойлик: 1С бухгалтерия дастурида иш юритиш

5 кишилик гуруҳларда ўқитиш имконияти бор. **Махсус программа бўйича ўқитиш имконияти бор.**

Ўқишни тамомлаганларга 3 тилда диплом (сертификат) берилади.

Бизнинг мутахассисларимиз сифатимиз гаровидир.

Тел. 68-45-40, 68-26-59.

Паркент кўчаси-51

Транспортлар: Автобус: 1, 44, 89
Трамвай: 3, 6, 13, 20, 29

Шифокорлар малака ошириш институти меҳмонхонаси. 1-подъезд, 8-қават



Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Алишер Мақсудовга волидан муҳтарамаси **ОМИНАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, тергов бўлими бошлиғи, милиция полковниги А. Мақсудовга онаси **ОМИНАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ҚР ва ТҚБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Меҳриддин Арслоновга онаси **Хадича БОЛТАЕВА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ навбатчилик қисми бошлиғи, милиция майори Ҳасан Ниязовга онаси **Ҳамро НИЯЗОВА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.